

ISSN 2181-9521

№ 7-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ

27 июнь... Бу кун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеликлардан бири – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами куни. Ҳар йили нишонланадиган байрам бу йил ўзгача шукуҳ билан қаршилди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Сизларнинг бу галги касб байрамингиз энг улуғ ва энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик санаси арафасида бўлиб ўтаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда.”



“Эл-юртимиз, жамоатчилигимиз матбуот нашрлари, теле-радио каналлар, нашриёт ва матбаа корхоналари, Интернет сайтлари, ахборот хизматларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган заҳматкаш журналист ва блогерлар, ношир ва муҳаррирлар, таржимон ва рассомлар, режиссёр ва операторлар, барча техник ходимларнинг машаққатли меҳнатини яхши билади ва юксак қадрлайди.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Фазлиддин ХИДИРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди судьяси:

Ўзбек миллий журналистикаси ривожланиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда ўз замонасида жадидлар сифатида эътироф этилган бир гуруҳ зиёлиларнинг алоҳида хизматлари борлигини кўришимиз мумкин. Улуғ маърифатпарвар боболаримиз айнан матбуот орқали халқнинг маънавияти ва маърифатини юксалтириш ва пировардида тараққиётга эришиш мумкинлигини англайди. Шунинг учун, Тошкент шаҳрида биринчи жадидлар нашри – “Тараққий” газетасини 1906 йил 27 июндан бошлаб нашр этади. Ушбу тарихий сана сабабли мамлакатимизда 27 июнь – “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни” сифатида кенг нишонланади.

Тўғри, истиқлолнинг илк йилларида миллий журналистика ривожланди. Лекин, айнан кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳам туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табрикларида алоҳида қайд этилганидек, “Агар 2019 йилда давлат ва нодавлат ташкилотлардаги ахборот хизматларининг манбалари – расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги каналлар 559 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 2410 тага етди.”

Ахборот ва коммуникация технологияларининг шиддатли тараққиёти айниқса электрон оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет журналистикасининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди ва у ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Республикамизда фаолият юритаётган 1893 та оммавий ахборот воситасидан 638 таси ёки 33,7 фоизи Интернет нашрлари – веб-сайтлар сифатида рўйхатдан ўтган.

Бу рақамлардан кўриниб турибдики, анъанавий журналистика билан биргаликда Интернет журналистикаси ҳам мамлакатимизда жадал ривожланиб бормоқда. Бугун бутун дунё ҳамжамияти глобал тармоққа айланган интернет орқали ахборот олади. Демак, миллий Интернет журналистиканинг ривожланиши Ўзбекистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ислохотлар тўғрисида тезкорлик билан дунё афкор оммасига ахборотларни тарқатмоқда.



Валишер КАРАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг судьяси

Дарҳақиқат, бугунги кунимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур эта олмаймиз. Бу машаққатли ва масъулиятли касб эгаларининг тезкор фаолияти туфайли мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўламиз. Жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти бевосита журналистларимизнинг самарали фаолияти билан чамбарчас боғланган. Чунки, жамият ҳаётининг қайси бир жойида ривожланиш учун тўсиқ вужудга келса, дарҳол улар бонг уради. Жамоатчиликнинг ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ушбу муаммога диққат-эътиборини қаратади. Қарабсизки, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммо бартараф этилади. Шу боис матбуотни “жамият кўзгуси” деб эътироф этамиз. Президентимиз соҳа ходимларига йўллаган байрам табрикларида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларини билдириб ўтди. “Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланмоқда. Бунинг тасдиғини давлат идоралари томонидан танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра қарийб 90 фоизга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.”

Ўрни келганда алоҳида таъкидлашни истардимки, суд ҳокимияти, судьялар ва суд тизими ходимлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги ахборотларни ҳам аҳолига оммавий ахборот воситалари ходимлари етказиб келмоқда.

Захматкаш ва фидоий оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан табриклаймиз.

Саҳифаларни Самарқанд шаҳар иқтисодий суди судьяси Махсуда ДУСМАТОВА тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 26.07.2021 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок

Буюртма № 12 Адади 1452

Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

6

**“СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШ”
ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАР ВА МИЛЛИЙ
АМАЛИЁТ**

11

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
ИХТИСОСЛАШГАН СУДЛАР ТАШКИЛ
ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

16

**ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК –
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

18

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

**РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ
ШАРОИТИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯСИ**

ИБРАТ

21

УЧ ЭЛАК ҲАҚИДА РИВОЯТ

22

МУҲИМ МАВЗУ

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШГА
ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ**

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

25

**ИЖАРА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ
ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ
БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

ТАДҚИҚОТ

28

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР:
ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ,
МУАММО ВА ЕЧИМ

31

НУҚТАИ НАЗАР

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ВА
ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН
БОҒЛИҚ КОНТРАБАНДАНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ
ҲОЛАТЛАР

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

34

ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР,
ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР
ЎКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ
МУОМАЛАСИНИНГ
ТУШУНЧАСИГА ОИД МАСАЛАЛАР

38

ТАҲЛИЛ

ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ
МУАММОЛАРИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

40

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ
ЮРИТИШДАГИ АЙРИМ
МУАММОЛАР

42

ИНСОН ВА ҚОНУН

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА УЙ
ҚАМОФИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ
ҚўЛЛанилишининг ташкилий-
ҳуқуқий асослари

КУН МАВЗУСИ

46

ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА
ЭГА ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ

48

МЕНИНГ ФИКРИМ

ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА
ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

50

ЮРИДИК ФАОЛИЯТ ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ:
ЮРИДИК СОҲАДА УЗЛУКСИЗ
ТАЪЛИМ

53

СУДЕБНАЯ РЕФОРМА

АДМИНИСТРАТИВНЫЕ,
УГОЛОВНЫЕ И СУДЕБНЫЕ МЕРЫ
ПО ОГРАНИЧЕНИЮ
РАСПРОСТРАНЕНИЯ ПАНДЕМИИ В
УЗБЕКИСТАНЕ

ВАЖНАЯ ТЕМА

56

УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ АСПЕКТ
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОНТРАБАНДЕ:
ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

59

ПРОЦЕСС

КОЛЛИЗИОННАЯ НОРМА, ПОРЯДОК
И УСЛОВИЯ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ

ANALYSIS

62

LEGAL BASIS FOR IMPOSING THE
LIABILITY FOR RESISTING AGAINST
THE ACTIONS OF A REPRESENTATIVE
OF A STATE AUTHORITY

64

ЖАРАЁН

“АДОЛАТ” АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
КОМПЛЕКСИДА СУДЬЯ ВА СУД
ХОДИМЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ
ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД?



“СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШ” ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАР ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўзининг фаолиятида очиқлик, шаффофлик, ошкоралик принципларига амал қилиши учун доимий равишда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кенгашнинг судьялик лавозимларига номзодларни тайинлаш билан боғлиқ барча мажлисларига оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилади. Шунингдек, вақти-вақти билан Кенгаш раиси, ўринбосари ёки аъзолари иштирокида ОАВ вакиллари учун брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказилиб турилади.

Судьялар олий кенгаши амалдаги судьяларнинг ҳам оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилишига алоҳида эътибор қаратади. Судьяларнинг ўз фаолиятлари юзасидан ОАВ ларига чиқишларини ўрганиб, таҳлил қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

2021 йил 15 июнь куні Судьялар олий кенгаши раҳбариятининг ташаббуси билан “Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш” мавзусида халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Канада, Словения давлатларининг нуфузли экспертлари, тажрибали амалиётчи судьялари суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик борасида тўпланган илғор халқаро тажриба борасида маърузалар қилишди.

Қуйида мазкур халқаро давра суҳбати тафсилотлари ва унда иштирок этган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

– Аминманки, дунёнинг барча мамлакатларида суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Таъкидлаш керакки, суд ҳокимиятининг ОАВ билан ҳамкорлиги, ўзаро алоқалари бошқа давлат органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ОАВ билан ҳамкорлигидан тубдан фарқ қилади. Гап шундаки, суд органлари фаолиятининг ОАВ орқали ёритилиши нафақат судьянинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўси, балки, бевосита фуқаронинг қонун билан қўриқланадиган қонуний манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутишимиз керак. Биз суд органларида шаффофликни таъминлашимиз керак деб ҳали айбдорлиги суд қарори билан исботланмаган кимнингдир шаънини таҳқирламаслигимиз лозим.

Шунинг учун, миллий қонунчилигимизда суд процессларини ёритиш билан боғлиқ алоҳида қоидалар белгиланган. Фуқаролик иши кўрилатганда ОАВ вакилларининг иштироки ёки уни тасвирга олиш, овоз ёзиш, ёритиш бўйича ўзига хос тартиб белгиланган бўлса, иқтисодий суд ишларини ОАВ ёритиш борасида алоҳида қоида белгиланган. Эътибор қилинг, жиноят судларида ишларни кўриб чиқиш жараёнида ОАВ ларининг иштироки масаласидаги ёндашув мутлақо бошқача.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 19-моддасида “барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади” деган умумий қоида белгиланган бўлсада, шу модданинг ўзида “бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатган ҳоллар мустасно”лиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, “ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг ҳавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши” билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодексида судья жамиятни суд фаолияти тўғрисида холис, ишончли ва тезкор хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмак бериши зарурлиги белгиланган. Бу орқали судья нафақат фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга, балки жамоатчиликнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, одил судлов нуфузини оширишга, балки оммавий ахборот воситаларига ҳам муҳим ижтимоий вазифанинг бажарилишига, яъни фуқароларни барча ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли воқеалардан хабардор этишга ҳисса қўшади.

Лекин, мазкур кодексда қатъий белгиланганидек, суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

Минг афсуски, қонунларимизда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизда судьянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги, унинг чегараси масаласи аниқ белгиланган бў-



лишига қарамасдан, амалиётда судьянинг ОАВ билан ҳамкорлиги масаласида баъзи бир муаммо ва камчиликлар ҳам учраб турибди. Яқинда вилоятдаги судьяларимиздан бири суд процесси якунига етиши билан ҳали ҳал қилув қарори кучга кирмасдан туриб муайян иш бўйича ОАВ ларига интервью берибди. Ва бу интервью ўша куннинг ўзида телевидение орқали эфирга узатилаяпти. Ваҳоланки, бу миллий ва халқаро қонунчиликка мутлақо зид. Судьялар олий кенгаши бу ҳолат бўйича тегишли хизмат текширувини ўтказди. Ҳақиқатдан ҳам судья амалдаги қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракат қилганлиги ўз исботини топди. Унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланди.

Бу муҳим масаланинг иккинчи томонини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Ўз навбатида баъзи бир ОАВ вакиллари ҳам суд органлари фаолиятининг фақат ўзигагина хос жиҳатларини яхши билмасдан ҳаракат қилишадди. Бу бўйича ҳам мисол келтириб ўтишимиз мумкин. 2021 йил январь ойида Сурхондарё вилоятида ОАВ вакиллари ҳам амалдаги қонун талабларига зид равишда ҳаракат қилиб, суд биносига ёки тўғридан тўғри суд раисининг хизмат хонасига берухсат кириб, судьяга нисбатан босим ўтказмоқчи бўлишди. Бу ҳолат бўйича ҳам Судьялар олий кенгаши тегишли органга тақдимнома киритиб, қонуний баҳо бериш масаласи сўралди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, суд ҳокимияти ва ОАВ ларнинг ўзаро ҳамкорлиги амалдаги қонун талаблари доирасида бўлиши шарт. Ана шундагина ўзаро ҳамкорлик амалий натижа беради.

Бугунги халқаро давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – бу борада тўпланган миллий ва халқаро тажрибани қиёсий ҳолда ўрганиб, ундан тегишли хулоса чиқариб, келажакда суд ҳокимияти билан ОАВ ларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришдан иборат.



Джереми ФОГЕЛ,

АҚШ Беркли номидаги Суд институти директори:

– Ҳар бир давлатда суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар бўйича ўзига хос қонунчилик ва турлича амалиёт шаклланган. Турли давлатларда суд тизими ва матбуотнинг жамиятдаги ўрни масаласида турли нуқтаи назарлар мавжудлигини назарда тутишимиз шарт, деб ҳисоблайман. Сабаби, ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари қонунчилигининг руҳига сингиб боради. Бу нарсаси суд процессларини ёритишда ҳам кўзга ташланади. Ўзига хос жиҳатлар билан бирга бу борада умумийлик ҳам борлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, суд процессида ОАВ ларининг иштироки масаласида баъзи бир чекловларнинг борлиги. Бу қоида халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. 1966 йил 16 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”да шундай қоида белгиланган: “Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамоат тартиби ёки жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки алоҳида ҳолларда суд фикрига кўра бу қатъиян зарур деб топилганида, яъни ошқоролик одил судлов манфаатларини бузиши мумкин бўлган ҳолларда матбуот ходимлари ва жамоатчилик барча суд мажлисларига ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин. Бироқ вояга етмаганларнинг манфаати

талаб этганда ёки никоҳга оид низоларга ёхуд болаларга васийлик қилишга алоқадор ишларни истисно этганда, жиноят ва фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошқора бўлиши зарур.” Жамиятнинг ёки муайян бир инсоннинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган бу каби қоидалар Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Суд жараёнини тасвирга туширишда томонларнинг розилигини олиш масаласи ҳам мана шундай умумийликка амалий мисол бўла олади.

Америка Қўшма Штатларида ҳам суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик доимий эътибордаги масала ҳисобланади. Очигини айтиш керак, бу борада мутахассисларнинг фикрлари ҳам турлича. Айрим экспертлар суд жараёни ОАВ учун мутлақо очик бўлиши керак деган фикр билдиришса, айримлари маълум бир чекловлар ўрнатилиши тўғри деб ҳисоблайди. Бутун АҚШ суд тизими учун ягона тенденция йўқ. Федерал штатларнинг қонунчилиги маълум маънода бир-биридан фарқ қилади. Лекин, умумийлик нуқтаи назаридан шаффофликка жиддий эътибор қаратади. Айрим штатларда суд жараёни ёритилишида расмлар чизиш орқали жамоатчиликка маълум ахборотлар тарқатилади. Бу ҳам АҚШ тажрибасидир. Менинг фикримча, суд органларининг ўзига хос хусусияти учун бу тўғри йўл деб биламан. Ўзбекистон қонунчилигида бўлгани сингари АҚШ жиноят қонунчилиги меъёрларида ҳам фуқаролик суд жараёнларини ёритиш фарқли жиҳатларга эга. Алоҳида таъкидлаш жоизки, АҚШда инсонларнинг қонуний манфаатлари аксарият ҳолларда суд органлари орқали таъминланади. Эҳтимол шунинг учундир, ОАВ ларининг ҳам суд ёки судьялар фаолиятини ёритишга қизиқиши жуда юқори. Кўплаб журналистлар судьяларга ахборот олиш билан боғлиқ мурожаатлар қилишади. Мен ҳам судья лавозимида ишлаган пайтларим ОАВ ларнинг мурожаатига кўп дуч келганман. Ахборот тақиқланмайдиган жамиятда буни табиий ҳол сифатида қабул қилишимиз керак.



Қаҳрамон ИСАИЛОВ,

жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди раиси:

– Шунга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимки, бугунги кунда жамоатчиликка ахборот тарқатадиган анъанавий шакллардаги (газета, журнал, радио, телевидение) ОАВ лари билан биргаликда янги турдаги (телеграмм каналлари) орқали кўпчиликка ахборот тарқатилмоқда. Лекин, бу ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ахборот билан ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотлар ўртасида фарқ бор. Фарқ нимада намоён бўлади. Шубҳасиз, ОАВ лар аксарият ҳолатларда расмий ахборотларни тарқатади ва бу ахборотлар ҳолислиги ёки ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда рўй берган жаҳон ахборот

майдонидаги кескин ўзгаришлар натижасида блогерлар ҳам кенг тарқалиб кетди. Бугун судья нафақат анъанавий журналист билан, балки блогерлар билан ҳам ҳамкорлик қилиши керак. Сабаби, блогерлар ҳам судьядан тегишли ахборотларни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, судья ўзининг фаолиятига тааллуқли маълумотларни (агар у қонун билан тақиқланмаган бўлса, дейлик кимнингдир шахсий ҳаётига ёки давлат сирига доир ахборотлардан ташқари) бериши шарт.

АҚШ лик халқаро экспертнинг маърузасида ижтимоий тармоқларда судьянинг иштироки масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Джереми Фогел бу масалани қуйидаги ҳаётий мисол билан батафсил тушунтириб берди: “АҚШ қонунчилигига кўра, судьянинг ижтимоий тармоқлардаги иштирокига чекловлар ўрнатилгани йўқ. Менинг битта ҳамкасбим ижтимоий тармоққа жуда қизиқади ва доимий иштирок этади. Лекин у ижтимоий тармоққа ҳеч қачон судьялик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни жойлаштирмайди”.

Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодекси 14-моддасида ҳам судья-

нинг ижтимоий тармоқлардаги иштироки масаласи батафсил ёритилган. Унга кўра, “Судья ижтимоий тармоқларда, интернет-форумларда ва интернет тармоғидаги бошқа шаклдаги мулоқотларда иштирок этиши мумкин, бироқ у суд ҳокимиятининг, давлат органларининг нуфузига, бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган ахборотни тарқатмаслиги лозим.”

Ушбу халқаро давра суҳбати ташкил этилгани ва унда хорижий экспертларнинг қизиқарли маърузалар билан иштирок этгани судьяларнинг иш фаолиятида амалий аҳамият касб этади. Айниқса, биринчи сессияга қўйилган мавзу, яъни “Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ошкоралик жамоатчилик ишончининг дастлабки шarti” мен учун жуда фойдали бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, суд фаолиятининг самарадорлиги жамиятнинг унга нисбатан ишончига ҳам боғлиқ. Аҳолининг ишончи қачон пайдо бўлади, қачонки, фуқаролар суд ёки судьялар фаолияти билан яқиндан хабардор бўлса. Аҳолини хабардор қилишнинг бирдан-бир йўли эса, ОАВ билан яқиндан ҳамкорлик қилишдир.



Зарифа АХМЕДОВА,

жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси:

– Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан ўтказилган халқаро давра суҳбатига зарурият бор эди. Тадбирнинг ўзига хос фойдали жиҳати шунда бўлдики, у фақат маърузалардангина иборат бўлмасдан, савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар тарзида ўтказилди. Судьялар халқаро экспертларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Ва амалиётда дуч келинаётган баъзи бир муаммоларга халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, жавоб олишди. Тадбирда онлайн тарзда иштирок этган бўлсамда, иш жараёнида деярли ҳар куни дуч келадиганимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерларнинг суд органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш ва тарқатиш билан боғлиқ халқаро тажриба ва қонунчилик ҳақида жуда кўплаб маълумотлар-

ни олдим. Маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилганидек, суд мажлисларини ёритишдаги процессуал тартиб-таомиллар, шу жумладан журналистларнинг суд биносига киришидан тортиб, суд муҳокамаси пайтидаги иштирокигача бўлган ҳолат кўпчиликти қизиқтиради. Суд мажлисларини қайд қилишга оид қоидалар, очиқ ва ёпиқ суд мажлисларида иштирок этиш талаблари, унда фото-, видео- ва киносьёмка қилиш, интернетда намоиш этишдаги чеклашлар доираси, суд жараёнларини ёритишда журналистларнинг ҳам одоб-ахлоқ сақлаши мажбурияти тўғрисидаги масалалар ниҳоятда долзарб бўлиб ҳисобланади.

Бугунги халқаро давра суҳбатидаги маърузалар ва чиқишлардан суд муҳокамаси ошкоралигини таъминлаш борасида судьялар ва журналистлар ўртасида конструктив мулоқотни ўрнатиш, бунда аҳамият қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар ҳақида керакли ахборотларга эга бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб айтиш керакки, сўнгги пайтларда баъзи бир ижтимоий тармоқларда судьянинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ноҳолис ахборотлар ҳам тарқатилаяпти. Фикримизча бундай нотўғри ахборотларни тарқатаётганлар учун жавобгарлик масаласи ҳам кучайтирилиши керак деб биламан.

Ўйлашимча, судья суд процессини ОАВ ларида амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёри-

тилишига қарши эмас. Лекин, битта ҳадик бор. Суд процессларини ёритадиган журналист ёки блогер инсоннинг айбсизлик презумпциясига қай даражада амал қилади. Бу энг асосий масаладир. Ҳали суднинг ҳал қилув қарори кучга кирмасдан туриб, уни ёритаётган ОАВ ходими турли башорат қилиши ҳолатларидан чўчийди. Журналистлар ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси жараёни натижасини олдиндан башорат қилиб қўймаслиги шарт.

Юридик нуқтаи назардан айбсизлик презумпциясининг моҳияти шундан иборатки, жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир шахс айбдорлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ исботланма-

гунча айбсиз деб топилиш ҳуқуқига эга. Бунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун асос бўлган айбсизлик презумпцияси:

- исботлаш мажбуриятини айблов томони зиммасига юклайди;
- айбдорлиги судда исботланмагунча айбли деб топилмаслигини таъминлайди;
- жиноий қилмиш содир этганликда айбланаётган шахсларга ушбу принципга мувофиқ муносабатда бўлишни талаб қилади. Айбсизлик презумпциясига қатъий амал қилиш миллий қонунчиликда ҳам халқаро ҳужжатларда ҳам энг муҳим норма сифатида белгиланади.



Баҳодир ҚАЮМОВ,

жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси:

– Халқаро давра суҳбатида Судьялар олий кенгаши раиси томонидан ҳақли бир масала ўртага ташланди. Яъни, суд процессларини ёритиш жараёнида ОАВ вакиллари ҳам амалдаги қонунчиликка қатъий риоя этиши лозим. Амалдаги қонунчиликка асосан, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўққинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай тарзда бўлмасин таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Судда журналистнинг иши суд залига киришга рухсат этилганидан бошланади. Суд биноларига кириш назорат ўтказиш тартибига риоя қилинган ҳолда ташкиллаштирилган бўлиб, унда рухсат олиш, ташриф буюрувчиларнинг қўл юклари ва ёзув ускуналарини, турли хил қурилмалар ва техник асбобларини текширишдан ўтказишни англатади. Суд мажлисида қатнашиш учун келган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда таъминланиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига мувофиқ давлат

сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда, ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади. Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлиси залига эркин киришига тўққинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак. Агар суд томонидан жиноят ишининг муайян қисми ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинса, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисининг шу қисмига киритилмайди. Қонун талабларига биноан, суд оммавий ахборот воситалари вакилларини тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, холислиги ва ишончилиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади. Суд мажлиси боришини қонунда йўл қўйилган кўринишда қайд этишни амалга ошираётган шахслар ҳаракати суд мажлиси тартибига ҳалақит бермаслиги лозим. Суд мажлисида иштирок этаётган ва унинг боришини қайд этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган шахслар томонидан бу ҳуқуқнинг суиистеъмол қилиниши суд мажлиси тартибини бузиш ҳисобланади. Бундай ҳолда суд айбдор шахсларга нисбатан процессуал қонунда назарда тутилган таъсир чораларини қўллашга ҳақли. Суд жараёнидаги очиқлик ва ошкораликнинг юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий асосларини билмаслик ёки унга амал қилмаслик жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Халқаро давра суҳбатининг фойдали жиҳатларидан бири шу бўлдики, унда қонунчилик билан амалиёт қиёсий таҳлил этилди. Қонунчиликда судья, журналист, блогерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай белгилангани амалиётдаги мисоллар билан тушунтириб берилди.

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси Назокат БАЙЗАКОВА тайёрлади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИХТИСОСЛАШГАН СУДЛАР ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



Баҳрам САБИРОВ,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола коррупцияга қарши судлар фаолиятининг халқаро тажрибаси ҳамда хорижий давлатларда мазкур институт қонунчилигини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланади. Ихтисослашган коррупцияга қарши судлар тушунчаси, таснифи ва уларнинг коррупцияга қарши кураш фаолияти бора-сидаги натижалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши курашувчи органлар тизими, коррупцияга қарши курашувчи махсус судлар, ихтисослашган судлар моделлари.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена изучению международного опыта деятельности антикоррупционных судов и особенностей законодательного проектирования этого института в зарубежных странах. Рассматриваются понятие и классификация специализированных антикоррупционных судов, и результаты их деятельности антикоррупционной.

Ключевые слова: система антикоррупционных органов, антикоррупционный суд, основных модели специализированных судов.

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the international experience of anti-corruption courts and features of the legislative design of this institution in foreign countries. The concept and classification of specialized anti-corruption courts and the results of their anti-corruption activities are considered.

Keywords: system of the anti-corruption organization, anti-corruption courts, anti-corruption court models.

Сўнги йилларда Европанинг кўпгина мамлакатларида коррупцияга қарши стратегиянинг муҳим элементи сифатида коррупцияга қарши курашувчи махсус ихтисослашган органлар ташкил этилди. Уларга тергов ва суд органлари, шунингдек, коррупциянинг олдини олишга, коррупцияга қарши курашнинг миллий стратегиясини бошқариш, мониторинг қилиш ҳамда мувофиқлаштиришга ихтисослашган органлар киради.

Давлат ва хусусий секторларда коррупцияга қарши курашиш борасида юқори натижаларга эришган давлатлар қаторига Буюк Британия, Германия, Франция, Голландия, Финляндия ва бошқаларни киритиш мумкин. Юқорида келтирилган давлатлар муваффақиятли натижаларга, самарали ҳамда мустақил бўлган суд тизимини яратиш орқали эришган. Социалистик давлатларнинг кулаши билан мамлакат бошқаруви тизимларини қайта шакллантириш, иқтисодиётга бозор механизмларини жорий этиш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини мустақил суд органлари орқали ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлди.

XXI асрнинг бошларига келиб, иқтисодиёти ривожланган ва кучли суд тизимига эга мамлакатлар томонидан Марказий ва Шарқий Европа, Осиё ҳамда Африка давлатларида коррупцияга қарши ислохотлар тарғиб қилина бошланди. Коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишда хорижий мутахассислар томонидан қўллаб-қувватланадиган энг самарали усуллардан бири бу коррупцияга қарши ихтисослашган судларни ташкил қилиш эканлиги кўпгина халқаро экспертлар томонидан эътироф этилади.

Коррупцияга қарши ихтисослашган судларни ташкил этишнинг энг муҳим сабабларидан бири бу умумий юрисдикция судьяларининг профессионалик даражаси ҳамда кўрилатган ишга индивидуал ёндаша олмасликларидадир. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун ихтисослашган коррупцияга қарши судларнинг судьялари махсус тартибда тайинланади. Шунингдек, суд тизимидан ташқаридаги мутахассислар (судьялар, малакали ҳуқуқ ўқитувчилари, адвокатлар, юридик хизмат ходимлари, жамоатчилик фаоллари ва бошқалар) жалб қилиниб, маълум бир иш кўриб тугатилгандан сўнг ўз хизмат вазифаларига қайтиши мумкин бўлади.

Бугунги кунга келиб коррупцияга оид ишларни кўришга ихтисослашган судлар сони 27 тадан ортиқ давлатларда ташкил этилган. Улар асосан юқори

даражадаги коррупцияга оид ишларни кўриб ҳал этади. Баъзиларида эса, коррупция билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги жиноятларни ҳам кўриш ваколати мавжуд. Мисол учун, Филиппин, Покистон, Хорватия, Болгария, Мексика, Словакия ва бошқалар.

Жиноят одил судловни дифференциация қилишнинг мақсади коррупцияга қарши курашиш бўйича “кенг қамровли” судларни ҳамда муайян ишлар бўйича вақтинчалик (ad hoc) судларни шакллантириш амалиётини жорий қилишдир.

Кристиан Мишелсен номидаги Норвегия институтининг Коррупцияга қарши У4 ахборот маркази катта маслаҳатчиси София Шютте ўзининг тадқиқот натижаларига кўра ихтисослашган судлар тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “таркибида коррупция элементлари мавжуд бўлган жиноятларни кўриб, ҳал этиш ваколати берилган орган”¹.

Коррупцияга қарши судларни ташкил қилиш умумий юрисдикция судларининг юқори даражадаги коррупция билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш қобилиятига жамоатчилик ишончсизлик билдирилган бир қатор мамлакатларнинг амалиётида кенг тарқалган. Бироқ, коррупциявий ишларни кўрувчи судларни ташкил қилишнинг энг кенг тарқалган сабаблари нафақат жамоатчиликка, балки давлатнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сиёсий иродаси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Кўпгина мамлакатларда коррупцияга қарши судлар судьяларини танлаш тартиби апелляция судьяларини танлашга ўхшайди.

Ихтисослашган судлар, қоида тариқасида, коллегиялик асосида фаолият олиб боради, профессионал судьялар билан бир қаторда уларнинг таркибига жамоат ташкилотлари, уюшмалар вакиллари ёки тегишли соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Юридик адабиётларда келтирилишича ихтисослашган судлар икки хил кўринишда бўлиши мумкин. Яъни, коррупцияга оид ишларни кўриб чиқишда биринчи инстанция суди ва бошқа тоифадаги ишларни кўриб чиқишда апелляция суди сифатида ишлайдиган аралаш судлар, шунингдек таркибида коррупция элементлари бўлган жиноятларни кўриш бўйича универсал судлар мавжуд.

Ихтисослашган судларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – махсус танлов моделлари мавжуд эканлигида. Қоида тариқасида, ихтисослашган судлар судьяларини танлаш учун махсус тартиб қўлланилади: номзодлар ҳуқуқ соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш учун кўрикдан ўтиши, психологик тест топшириши ҳамда ҳалоллик ва бетарафлик учун махсус синовдан ўтиши лозим бўлади.

Дунёдаги биринчи коррупцияга қарши суд 1979 йилда Филиппинда ташкил этилган. Кейинчалик, худди шундай судлар 1999 йилда Покистонда ва 2002 йилда Индонезия ва Непалда ташкил этилган.

Ҳозирги кунга келиб, дунёнинг 27 мамлакатиди асосан юқори даражадаги коррупциявий ишларни кўриб чиқадиغان ихтисослашган судлар фаолият олиб бормоқда: масалан, Афғонистон, Бангладеш, Ботсвана, Болгария, Бурунди, Камерун, Хорватия, Индонезия, Кения, Малайзия, Непал, Покистон, Фаластин, Филиппин, Сенегал, Словакия, Уганда, Мексика, Танзания, Таиланд ва Украина. 2019 йилда Албанияда Коррупцияга қарши суд ташкил этилди. Зимбабве ҳам 2020 йилда юқоридаги давлатлар қаторига қўшилди.

Ушбу мамлакатлардаги судларнинг кўплари мазкур давлатларнинг ўзлари томонидан тузилган, аммо баъзи ҳолларда халқаро ташкилотлар ва техник ёрдам дастурлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Масалан, халқаро ҳамжамият (хусусан, АҚШ ва Буюк Британия) Афғонистон ҳукуматида коррупцияга қарши судлар тузиш учун босим ўтказган. Бунинг сабаби коррупция Афғонистон иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлигига жиддий тўсиқларни келтириб чиқараётган эди.

С. Шютте коррупцияга қарши судларнинг ташкилий тузилишини 4 та асосий моделга ажратади.


Биринчи модель - коррупцияга оид ишларни умумий маҳаллий судларда кўриб чиқишга тайинланган ваколатли ягона судья, қарорлар устидан шикоят қилиш жараёни эса бошқа барча ишлар билан бир хил, яъни бир поғона юқори судга ариза берилади.

Иккинчи модель - коррупцияга қарши ихтисослаштирилган суд бўлиб, у коррупциявий ишлар бўйича дастлабки юрисдикцияга эга ва шикоятлар юқори судда кўриб чиқилади.

Учинчи модель - аралаш ихтисослашган судлар: бунда махсус суд коррупцияга оид баъзи (муҳимроқ) ишларни кўриб чиқишда биринчи инстанция суди ва бошқа дастлабки босқичда кўриб чиқилган ишлар устидан апелляция суди сифатида иш юритиши мумкин. Аралаш ихтисослашган судлар қарорлари устидан шикоятлар Олий судга юборилади.

Тўртинчи модель - бу коррупцияга қарши судлар тизимига биринчи инстанция ва апелляция судлари киритилган универсал параллел судлар. (Stephenson, Schutte 2016: 7)².

Умумий маҳаллий судларда коррупциявий ишларни кўриб чиқаётган яқка судьяларни **Кения** ва **Бангладеш** амалиётида учратиш мумкин. Ихтисослашган биринчи инстанция судлари эса **Хорватия** ва **Словакия**



суд тизимида жорий қилинган. Словакиянинг ихтисослашган суди коррупциявий жиноятлардан ташқари, унинг юрисдикциясига тегишли бўлган бошқа оғир жиноятларни ҳам кўриб чиқади. Жумладан, терроризм, мулкка қарши жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва бошқалар. Хорватияда коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш судлари мавжуд бўлиб, уларнинг ваколатига одам савдоси, талончилик ва бошқа оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар ҳам киради. Шунингдек, ихтисослашган биринчи инстанция судлари Сенегал, Покистон, Непал, Камерун ва Бурундида ҳам фаолият юритади.

Уганда, Ботсвана, Фаластин, Таиланд, Танзания, Мексика ва Филиппинда аралаш ихтисослашган судлар ташкил этилган. Универсал коррупцияга қарши курашувчи судлар Афғонистон, Индонезия ва Малайзияда самарали фаолият юритмоқда. Шуни эътиборга олиш лозимки, мазкур универсал моделга эга давлатларда коррупция даражаси судлар фаолияти бошлангандан бери сезиларли даражада пасайган.

Коррупцияга қарши судларни шакллантириш моделлари турли давлатларда турличадир. Баъзи давлатларда ихтисослашган судлар умумий юрисдикция судларининг махсус ваколатли (махсус билим ва кўникмага эга бўлган судьялар) судьялари томонидан кўриб чиқилади. Бошқаларда эса, бу алоҳида тўлақонли суд органи сифатида фаолият олиб боради. Филиппинда ихтисослашган суд (Сандиганбаян) коррупциявий иш юқори мансабдор шахслар иштирок этганда биринчи инстанция сифатида ҳаракат қилади, "маиший коррупция" ҳақида гап кетганда эса, ишлар оддий маҳаллий судларга юборилади, Сандиганбаян суди эса апелляция суди вазифасини бажаради.

Афғонистон, Малайзия, Индонезия ва Болгарияда коррупцияга қарши судлар ҳам биринчи инстанция, ҳам апелляция даражасида ишлайди. Хорватия, Словакия, Непал, Покистон, Сенегал, Камерун ва Бурундида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус судлар ишларни фақат биринчи инстанция даражасида кўриб чиқадилар - шикоятлар Олий судга юборилади.

Европада коррупцияга оид ишларни кўрувчи махсус судлар тўртта давлатда мавжуд бўлиб улар: - Хорватия (2008 йил), Словакия (2005 йил), Болгария (2017 йил) ва Украина ҳисобланади (2019 йил). Хорватиядаги ихтисослашган судлар нафақат юқори даражадаги коррупциявий жиноятлар, балки уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ишларни ҳам кўради.

Словакияда коррупцияга қарши ихтисослашган судлар яратилишининг асосий сабаби судьялар, адвокатлар ва прокурорлар ўртасида мавжуд бўлган уюшган жиноятчиликка етакловчи маҳаллий алоқаларни йўқ қилиш эди.

Словакиянинг жиноий ишлар бўйича махсус суди 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, коррупция ва жиноий даромадларни қонунийлаштириш билан бир қаторда, уюшган жиноятчилик ва қасддан одам ўлдириш ишларини ҳам кўриб чиқади.

Словакия коррупцияга қарши ихтисослашган судлари судьялари юқори ойлик иш ҳақи, шахсий ижтимоий ҳамда иқтисодий таъминот билан тўлиқ таъминланади. Ихтисослашган судлар ташкил этилиши билан кўзланган натижаларга эришилди. Яъни, махсус билим ва кўникмалар тўпланди, баъзи маҳаллий жиноий алоқалар узилди, кўпгина ишлар муваффақиятли якунланди.

Дастлабки йиллардан бошлаб оммавий ахборот воситаларида ихтисослашган судлар маиший коррупцияга бор эътиборини қаратиб, юқори даражадаги коррупциявий ҳолатлар четда қолиб кетаётгани ҳақида кўплаб хабарлар тарқала бошлади. Шундан сўнг, жамоатчилик ўртасида мунозаралар бошланиб кетди. Бундан ташқари, ихтисослашган судлар фаолияти баъзи сиёсатчилар ҳамда судьялар томонидан ҳам танқид қилинди. Кўплаб норозиликлар сабабли, 2009 йилда конституциявий шикоят киритилди ҳамда коррупцияга қарши ихтисослаштирилган судлар тўғрисидаги қонун бекор қилинди.

Словакия жамоатчилик институтларининг ташаббуси билан ихтисослашган судлар тўғрисидаги қонун янги таҳрирда қайтадан қабул қилинди.

Мазкур янги таҳрирдаги қонунга биноан ихтисослашган суд 14 нафар судьядан иборат бўлиб, ихтисослашган прокуратура эса таркибига 19 та прокурорни қамраб олади. Шунингдек, махсус суд куйидаги ишларни кўриб чиқади: қасддан одам ўлдириш, 6,6 миллион евродан ортиқ миқдордаги иқтисодий жиноятлар, жиноий ёки террористик гуруҳ томонидан содир этилган оғир жиноятлар ва экстремистик характердаги жиноятлар.

Ихтисослашган судлар судьяларини танлаш тартиби Индонезияда бир қанча мукамал ҳамда кенг қамровли тарзда ишлаб чиқилди.

Индонезияда ихтисослашган судлар судьялари нафақат профессионал ҳакамлар, балки ad hoc тартибдаги махсус билимга, тажрибага эга ҳуқуқшунослар, истеъфодаги судьялар ва бошқа профессионал ҳуқуқшунослар ҳам жалб қилинади. Ad hoc судья бўлиш учун номзодлар аниқ белгиланган танлов тартибда комиссия имтиҳонидан ўтишлари лозим бўлади. Танлов комиссияси эса Олий суд аппарати ва фуқаролик жамияти вакиллари ўз ичига олади. Профессional ҳакамлар беш йил муддатга, фақат бир марта қайта тайинланиш ҳуқуқи билан президент томонидан тайинланади. 2002 йилги қонуннинг дастлабки нашрига кўра, коррупцияга қарши ихтисослашган судлар ишларни бешта судьядан иборат коллегиял тартибда кўриб чиқиши белгиланган эди. Шунингдек, профессионал судьяларга бўлган ишончсизлик оқибатида, қоида тариқасида коллегиянинг учтаси ad hoc ҳакамлар бўлиши шарт эди. Бироқ, 2009 йилда ушбу тизим ўзгартирилди ва энди ҳар бир минтақавий коррупцияга қарши махсус судларнинг раиси (профессионал судья) суд мажлисларида профессионал ва ad hoc ҳакамларни ўзи мустақил белгилайди.

Кўпчилик коррупцияга қарши судлар учун судловга тегишлилик масаласи жиноятнинг оғир ёки енгил-



лиги билан эмас, балки тоифасига қараб белгиланади. Аммо, баъзи мамлакатларда ушбу ёндашувдан ҳам фойдаланилади. Масалан, Камерунда жиноят ишлари бўйича махсус ихтисослашган суд фақат жуда катта миқдордаги мол-мулк билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади, унчалик катта бўлмаган зарар етказилган ва шу каби жиноятлар тўғрисидаги ишлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилади.

Коррупцияга қарши судларда ишларни кўриб чиқиш муддати турли мамлакатларда уларнинг тузилиши, функциялари ва бошқа объектив сабабларга кўра бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, Малайзияда коррупциявий жиноят содир этилгандан бошлаб суднинг якуний қарори қабул қилишнинг ўртача вақти 8,5 йил эди. Мазкур муддат жуда узоқ эканлигини инобатга олган ҳолда, Олий суд томонидан ишларни кўриб чиқиш муддати бир йилгача қисқартирилди. Камерун, Непал, Фаластин, Филиппин ва Индонезияда ишларни кўриб чиқиб, ҳал қилиш муддатлари бузилишларининг олдини олиш мақсадида ишларни кўриб чиқиш учун охириги муддатлар белгиланди. Юқоридаги давлатлардан фарқли ўлароқ, Фаластин процессуал қонунчилигига биноан коррупциявий ишларни дастлабки кўриб чиқиш учун 10 кун, шунингдек, агарда иш судга тегишли бўлса ҳар қандай ишни 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб ҳал қилиниши лозим. Кўрилаётган ишнинг мураккаблиги ёхуд далиллар тўплаш билан боғлиқ муаммолар юзага келган тақдирда суд раиси томонидан қўшимча 7 кун берилиши мумкин.

Украинада Коррупцияга қарши кураш бўйича Олий судни ташкил этиш Халқаро Валюта Жамғармасининг асосий шартларидан бири бўлган³. Шу сабабли, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи ва АҚШни ўз ичига олган халқаро шериклар, жамоат ташкилотлари кўмаги билан Украинада коррупцияга қарши олий суд тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилишга эришдилар⁴.

2018 йил 21 июнда қабул қилинган Украинанинг “Коррупцияга қарши кураш бўйича Олий судни ташкил этиш тўғрисида”ги қонунида ўн икки ой ичида коррупцияга оид ишларни кўришга ихтисослашган махсус судлар ташкил этилиши кўзда тутилган эди. (Украина қонуни, 2447 Ш-сон, 2018 йил: 4-модда). Шу тарзда 2019 йил 5 сентябрдан Украина **Коррупцияга қарши Олий суди** ўз ишини бошлади.

Юқорида келтириб ўтилган қонуннинг биринчи моддасига биноан Коррупцияга қарши Олий суд Украина суд тизимида доимий фаолият юритади-

ган алоҳида суд ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Дастлабки қонун лойиҳасини тайёрлашда ихтисослашган судларнинг иккинчи модели танлаб олинди. Яъни, махсус судлар биринчи инстанция сифатида ишларни кўриб ҳал қилади ҳамда апелляция инстанцияси сифатида **Олий суднинг махсус комиссияси** фаолият юритиши белгиланди.

Доимий равишда фаолият олиб борадиган Украинанинг Олий ихтисослаштирилган судининг вазифаси одил судловни амалга ошириш, қонун билан белгиланган суд ишларини юритиш, қонунчиликда белгиланган умумий ҳамда махсус принциплар ва қоидаларга мувофиқ шахс, жамият ва давлатни коррупция ва у билан боғлиқ жиноятлардан ҳимоя қилишдан иборатдир. Бундан ташқари, шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш мақсадида коррупциявий жиноятларни судгача тергов қилиш устидан суд назоратини амалга ошириш ваколатлари ҳам мавжуд.

Биринчи инстанция суди сифатида Коррупцияга қарши кураш бўйича Олий суд айрим тоифадаги махсус субъектлар қатнашган коррупциявий жиноятларни кўриб чиқади. Жумладан, коррупциявий жиноят содир қилишда гумон қилинаётган ва айбланаётган юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг ёхуд Украина Коррупцияга қарши курашиш Миллий Бюроси (УККМБ) томонидан тергов қилинган ва давлатга энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдоридан кўпроқ зарар етказган шахсларнинг ишларини биринчи инстанция сифатида олиб кўриши мумкин. Шунингдек, Коррупцияга қарши Олий суднинг бошқа муҳим бўлган вазифаларидан бири бу – коррупциявий жиноятларнинг умумий статистикасини юритади ҳамда қолган мазкур турдаги куйи судларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. (Украина қонуни № 2447-УШ, 2018: 212-модда).

Ихтисослашган судлар судьяларини тайинлаш очик танлов натижаларига кўра амалга оширилади. Қонунчилик билан номзодларга қатъий талаблар, (масалан, ҳуқуқ соҳасидаги мажбурий илмий даража (PHD ёхуд Ds бўлиши мумкин) ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки адвокат сифатида камида 7 йил касбий иш стажига эга бўлиш ва бошқалар) белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, кимлар ихтисослашган судлар судьяси бўла олмаслиги (масалан, муқаддам судланган шахслар) белгилаб қўйилган. Номзодларни танлаш таркибида олтига аъзоси бўлган Халқаро экспертлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Халқаро кенгаш Судьялари олий малака комиссияси томонидан Украина билан ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Мутахассислар бошқа мамлакатлар процессуал тажрибасига эга бўлишлари керак.

Коррупцияга қарши Олий судлар тўғрисидаги қонуннинг 3-бўлимида коррупцияга қарши Олий суднинг судьяси лавозимини эгаллаш тартиби мустаҳкамлаб

қўйилган бўлса, 4-бўлим судьялар мақомининг хусусиятларига бағишланган. Махсус судлар фаолияти кафолатлари мазкур қонуннинг 5-бўлимида кўрсатилган. Бироқ, судьяларни ишдан бўшатиш тартиби ва уларни муддатидан олдин лавозимидан озод этиш учун асослар ушбу қонун орқали тартибга солинмаган. Халқаро ташкилотларнинг талабларини инобатга олган ҳолда, хорижий экспертлар Украина коррупцияга қарши судининг судьяларини танлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди ва шубҳали номзодларни фақат танлов босқичида дисквалификация қилиш имкониятига эга. Улар номзодларни субъектив баҳолашлари мумкин.

Украинанинг Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 33¹-моддасига биноан, коррупцияга қарши курашиш бўйича Олий суднинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Яъни, қуйида кўрсатиб ўтилган шартлардан бири мавжуд бўлганда ихтисослашган судлар томонидан биринчи инстанция сифатида кўриб чиқади:

→ қонунда белгиланган мансбдор шахслар доираси томонидан амалга оширилган;

→ қонунда кўрсатилган шахсларга ноқонуний маблағ билан таъминлаш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ёхуд (Украина Жиноят кодексининг 369-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби) ғаразли мақсадларда ушбу шахсларга таъсир ўтказиш (Украина Жиноят кодексининг 369-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби) билан боғлиқ ишлар;

→ таркибида коррупция элементлари бўлган ёки қонунда кўрсатилган жиноятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий тузилма, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки устав капиталида 50% дан ортиқ давлат улуши бўлган корхона (хўжалик юритувчи субъект) мансбдор шахслари томонидан содир этилганда.

Юқори инстанция коррупцияга қарши курашиш бўйича судда апелляция шикоятларини кўриб чиқадиган алоҳида апелляция палата фаолият олиб боради. Палатада раис, котибият мавжуд бўлиб, уларни алоҳида тартибда молиялаштирилиш механизми ишлаб чиқилган. (Украина қонуни. № 2447-УШ, 2018: 212-модда) 2020 йил 3 август куни Арманистонда коррупцияга қарши суд ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси республика Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилди. Лойиҳага кўра, таркибида 25 та ҳакамлардан кам бўлмаган коррупцияга оид жиноятлар бўйича ишларни кўриб чиқадиган махсус судлар ташкил қилиш кўзда тутилган эди. Бунда, 20 та судья коррупцияга оид жиноятларни кўриб чиқса, қолган 5 нафар судья мулкни бошқариш ҳамда тасарруф қилиш билан боғлиқ жиноятларни кўриши таклиф этилган⁵. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида камида 10 нафар судьядан иборат бўлган апелляция инстанцияси судини ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

Коррупцияга қарши судлар олдида турган вазифа коррупцияга оид хатти-ҳаракатларни содир этишда гумон қилинган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бўйича процессуал қонунчиликни такомиллаштириш,

судьялар, адвокатлар, прокурорлар ўртасида ноқонуний алоқаларни узиш, шу жумладан, уюшган жиноятчилик ўртасидаги алоқаларни бузиш ҳамда мамлакатда коррупцияга оид ҳолатлар ва давлат таъсир чорасига нисбатан жамоатчиликнинг салбий қарашларини ўзгартириш.

Масалан, коррупцияга қарши судларнинг ишига профессионал бўлмаган судьялар, адвокатлар, юридик олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва бошқаларни жалб қилиш амалиёти жамоатчиликнинг ишончини қозониш учун жорий қилинган. Бундан ташқари, мазкур амалиёт орқали давлат ҳокимияти органларига халқ ҳокимиятини таъминлаш воситаси сифатида қаралди.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, айниқса ўтиш даври давлатларида ихтисослаштирилган коррупцияга қарши судларнинг ташкил этилиши асосан юқори даражадаги жиноят ишларини кўриб чиқиш сифатини ошириш, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини кучайтириш, суд тизимининг яхлитлигини мустаҳкамлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқаётган судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиши маълум бўлди.

Юқорида таҳлил қилинган маълумотларга асосланган ҳолда, қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

биринчидан, Ўзбекистонда ҳам ихтисослашган коррупцияга оид жиноятларни, бунда ҳам жисмоний шахслар ҳам юридик шахслар жавобгарлигини кўрадиган судлар ташкил қилиш. Ушбу масалани кўриб чиқишда Ўзбекистонга ўхшаш ҳуқуқий анъаналар ва норматив-ҳуқуқий базага эга бўлган мамлакат сифатида Украина тажрибасига асосланиш мумкин;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОҚҚ-490-III-сон қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қўшимчалар киритиш;

учинчидан, суд тизимида коррупцияга оид ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорини қабул қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Korruptionen riski v sisteme ugovnogo pravosudiya i metodi ix otsenki Pod redaktsiey Richarda I. Messika i Sofi A. Shyutte // Izdanie Resursnogo sentra U4 Yanvar` 2017, № 2 /AntiCorruption Resource Centre www.U4.
2. Stephenson M.C., Schutte S.A. 2016. Specialised anticorruption courts: A comparative mapping [Электронный ресурс] / U4 Anti-Corruption Resource Centre, Chr. Michelsen Institute // U4 Issue. Dec. № 7. 36 p. URL: <https://www.u4.no/publications/specialised-anti-corruption-courts-a-comparativemapping.pdf>
3. Stankova O. 2018. Statement by the IMF Managing Director on Ukraine [Электронный ресурс] // International Monetary Fund (IMF). Press Release № 18/244. 19 June. URL: <https://www.imf.org/en/News/Articles/2018/06/19/pr18244-statement-by-the-imf-managing-director-on-ukraine>
4. Скребец Е.В. Антикоррупционные суды: опыт зарубежных стран и украинская модель URL: <https://www.imf.org/en/News/Articles/2018/06/19/pr18244-statement-by-the-imf-managing-director-on-ukraine>
5. <https://rossaprimavera.ru/news/8d1dcd76>



Ахтам ТУРСУНОВ,
Коррупцияга қарши кура-
шиш Агентлиги ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши
раиси, ИИБ Академиясининг
профессори

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Жамоатчилик назорати юртимизда узоқ тарихий илдизлар-
га эга, қадим-қадимдан Оқсоқоллар кенгаши кўринишида намоён
бўлиб келган. Бу каби Кенгашлар маҳаллалардаги ободонлашти-
риш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, ҳа-
миша оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қара-
маслик ва бошқа жамоат ишлари билан шугулланишган.*

Аввало, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолият юритишида жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этиб, у давлат органлари раҳбар-ходимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларини, шунингдек ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликни таъминлашга хизмат қилади.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан бирга, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари ҳам жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасининг ташкил этилиши давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан халқнинг, жамоатчиликнинг назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда давлат ва халқ ўртасида “мулоқот майдони”ни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Гарчи, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қулай шароит яратса-да, аммо фақатгина “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида”-ги қонунни қабул қилиш билан соҳага оид ижтимоий муносабатларни тўлиқ тартибга солиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга эришилмаётганлиги кўзга ташланиб қолди.

Бу эса, 2021 йил 16 июнда Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони қабул қилинишига асос яратди ва туртки бўлди. Мазкур Фармон билан, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши

50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан “Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати” тасдиқланди.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда ахборот олиш эркинлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб ва қоидалар белгиланди. Жумладан:

- маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамаларни амалга ошириш ва бу борада матбуот анжуманларини ўтказишнинг жойи, вақти ва тартиби билан бозлиқ қоидалар;

- Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ва расмий веб-сайтларига жойлаштирилаётган маълумотлар доираси ва ушбу маълумотларни янгиланиб бориш даврлари;

- расмий веб-сайтларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотлар доираси ва ушбу маълумотларни янгиланб бориш даврлари;

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган ва ўтказиш жараёни Интернет тармовида жонли эфирга узатиладиган имтиҳонлар доираси ва жонли эфирга узатиш тартиби ва бошқалар.

Эндиликда, куйидагилар 2021 йил 1 июлдан бошлаб қайд этилган маълумотларни порталга жойлаштириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминлайди:

- 1) Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар;

- 2) Давлат активларини бошқариш агентлиги;

- 3) Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

- 4) Давлат солиқ қўмитаси.

2021 йил 1 августга қадар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўзининг расмий веб-сайтида ва порталида доимий равишда янгиланб

туриладиган Ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасини ишга туширади.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг зиммасига айрим қўшимча вазифалар юклатилди. Бу эса, Агентликнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини аниқлаштириш ва белгилашга хизмат қилади.

Бу борадаги муҳим қадамлардан яна бири, Агентлик тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармасининг ташкил этилишидир.

Шу аснода Агентлик эндиликда:

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради;

ҳар йили фаолият йўналиши бўйича эришган асосий ютуқлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрлайди ва ўз расмий веб-сайти орқали эълон қилиб боради;

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг амалга оширилиши устидан назоратни, шунингдек, Жаҳон одил судлов лойиҳасининг “Ҳукуматнинг очиқлиги” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид мураккаб чора-тадбирларни амалга оширади.

Фармон асосида Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалари зиммасига мазкур органларда очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилди.

2021 йилнинг 1 декабридан бошлаб “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика” асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланса, телеканаллар ва Интернет тармоғи орқали қуйидаги тадбирлар жонли эфирга узатилади:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари (ёпиқ мажлислар бундан мустасно);

тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига таъжовуз қилувчи, аҳоли соғлиғини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбу-



зарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ушбу Фармоннинг қабул қилиниши биринчидан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда ахборот олиш эркинлигини таъминлашга; иккинчидан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби, усул ва шакллари такомиллаштиришга; учинчидан, фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари масъулиятининг ошишига; тўртинчидан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларнинг бартараф этилишига; бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга доир ишларни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Президентимизнинг ПФ-6247-сон Фармони талабларини тўлиқ амалиётга татбиқ этишда иноватга олиниши лозим бўлган қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчиси, аҳоли ўртасида Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид тарғибот ишларини амалга оширишга;

иккинчиси, Фармон талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқа қонун ва қонуности норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга;

учинчиси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилмасида ташкил этилган янги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бошқармаси” фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилашга;

тўртинчиси, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролар, айниқса, блогерлар фаоллигини ошириш чораларини кўришга.

Ўйлаймизки, мақолада билдирилган фикр-мулоҳазалар давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги — жамоатчилик назоратини таъминлашнинг энг муҳим омили эканлиги ҳақида хулоса қилиш ҳамда Президентимизнинг мазкур фармони ижросини таъминлашга доир чораларни белгилаб олишга ёрдам беради.



**Шухрат
РУЗИНАЗАРОВ,**
Тошкент давлат
юридик университети
профессори, юридик
фанлар доктори

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ШАРОИТИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этган бўламиз.

Тадбиркорлик соҳасида кадрларни тайёрлашда нафақат ҳуқуқий билимга эга бўлган юристлар корпусини шакллантириш, балки бизнес таҳлилчи, бизнес менежер, бизнес маслаҳатчилари ва миллий, хорижий ҳамда халқаро миқёсда тан олинган тадбиркорлик субъектларининг йирик раҳбар ва намояндалари томонидан берилган илмий-амалий тавсиялар асосида рақамли бизнес контентини ўз ичига олган ўқув методик ишларнинг ташкил этилиши, бизнес фаолиятида рақамли технологияларни оқилона қўллашнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кучли рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни устувор ҳуқуқий таъминлаш шариоитида инновацион мобил тадбиркорлик таълими контенти бўйича амалга оширилаётган илмий-назарий фундаментал тадқиқотлар етарли эмас. Шу боис, юридик фанларнинг рақамли трансформациялашуви жараёнида тегишли ихтисослик йўналишларининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб, самарадорлик ва устуворлик жиҳатидан халқаро рейтинг талаблари асосида илмий тадқиқотларни жадал амалга ошириш ва уни тижоратлаштириш бу борадаги кўплаб илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш бўйича асослантирилган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Энг муҳими, рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлаш шариоитида тадбиркорлик фаолияти бўйича инновацион мобил ҳуқуқий таълимни ривожлантириш мақсадида ўқув контентлари доирасида замонавий эҳтиёжларга ва дастурий таъминотларга асосланган истиқболли режа ва модулларни шакллантиришнинг назарий, ўқув услубий асосларини ишлаб чиқиш, хорижий давлатларда шаклланган илғор тажрибалардан келиб чиқиб талабаларга рақамли институционал инфратузилмалар орқали юридик хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш, бизнесни юритишнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан бирга инновацион ва рақамли тадбиркорлик таълими бўйича ўқитишнинг замонавий ақлли модулларини ўқув жараёнига муваффақиятли татбиқ этишга эришиш лозим. Рақамли тадбиркорлик таълими контентининг илмий ва

методологик муаммоларини тадқиқ этиш пировардида бизнес соҳасида мутахассислар корпусини шакллантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Рақамли тадбиркорлик ҳуқуқий таълими соҳасида илмий ўқитиш методининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тадбиркорлик фаолияти хавф-хатарга ва таҳдидларга боғлиқ бўлиб, бизнес юритишнинг барча амалий босқичларида уни инобатга олиш талаб этилади. Рақамли трансформациялашув шариоитида ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини илмий таъминлашда муайян илмий тадқиқот ва таҳлилларга асосланиши объектив заруриятдир. Қолаверса, рақамли юридик таълимнинг экспериментал тасдиқларига асосланиш ва хорижий давлатларнинг синалган илғор тажрибасидан, бизнес менежерликнинг самарали шакл ва усулларидан фойдаланишни тақозо этади. Рақамли бизнес гоёни ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришни ҳар томонлама пухта ўйланган ақлли технологик режалаштириш ва роботлаштириш, фаолиятни илмий-рақамли бошқаришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, таълимни илмий маҳорат билан бошқариш бошқаларни ижодий фикрлаш ва бизнес юритиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллашга ундайди. Рақамли тадбиркорлик фаолиятида илмий ўқитишнинг замонавий методлари сирасига энг муҳим босқич ҳисобланган бизнес лойиҳанинг муҳокамаси бўйича тақдимотни ўтказиш ва ходимлар сони ҳамда малакаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Бу босқичнинг муҳим жиҳати шунда-ки, бизнес гоё ижодкори тайёрланган лойиҳанинг очик муҳокамасида тажрибали мутахассислар, хорижий экспертлар, соҳа бўйича етакчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини олиши ҳар томонлама фойдали бўлади. Рақамли бизнес гоёни амалга оширишда, фойдаланиладиган замонавий технологияларда ишлашга қодир бўлган мутахассисларни танлаб олиш муваффақиятга эришишнинг гарови бўлиб ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича махсус мақсадли дастурлар асосида ўқитиш, тегишли

бизнес инфратузилмаларда малакасини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг барча босқичларида ходимлар таркибини, малакасини ва касбий даражасини ошириш бўйича социологик, психологик, экспериментал ва бошқа турдаги тадқиқот усулларида самарали фойдаланиш керак.

Тадбиркорлик фаолияти ташаббускорликка ва таваккалчиликка асосланган фаолият бўлганлиги сабабли инновация ва рақамлаштириш жараёнларини динамик ривожлантириш учун муайян ўзгартириш ва янгиликларни киритиб боришни талаб қилади. Тадбиркорлик фаолиятини илмий ва методологик таъминлаш рақамли бизнес ғояни қўллаш натижаларининг мунтазам мониторингини олиб бориш ва асослантирилган илмий-амалий хулоса ҳамда таклифлар асосида уни такомиллаштириб бориш эҳтиёжини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда тадбиркорлик таълимини ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш бўйича бир қатор илмий-таълим муаммоларини ҳал қилишни зарурият қилиб қўяди. Булар жумласига қуйидагилар киради: рақамли тадбиркорлик таълимининг илмий-назарий муаммоларини тадқиқ этиб ўрганиш; тадбиркорлик таълими бўйича замонавий рақамли таълим инфратузилмаларини кенгайтириш, тадбиркорлик таълими бўйича замонавий кластерлар тизимининг дастурий лойиҳа таъминотини шакллантириш; рақамли иқтисодиётнинг хорижий шериклар учун жозибадор бўлган реал сектори, ижтимоий тадбиркорлик, социал инвестиция ва стартап фаолияти соҳалари бўйича пухта ўйланган рақамли бизнес лойиҳаларни тайёрлаш юзасидан кадрларнинг илмий ва ижодий қobiliятини ривожлантириш; битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларининг йўналишлари бўйича рақамли тадбиркорлик таълими назарий асосларини тизимли ўрганиш мақсадида фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини олиб бориш айниқса, бизнес илми мактабларни ташкил этиш; инновацион тадбиркорлик таълимига оид докторлик диссертациялари ва монографик тадқиқотларнинг истиқболли мавзуларини белгилаб олиб, илмий изланишларни амалга ошириш; тадқиқот ишлари давомида олинган натижаларни тижоратлаштириш ва рақамли бизнес фаолиятида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Рақамли таълим контентларига мувофиқ тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанини ўқитиш мақсадида бакалаврият талабалари учун махсус, самарали ва амалиётга йўналтирилган ҳамда электрон янгиланадиган ўқув дастурларини модулли ва платформали эҳтиёжлардан келиб чиқиб мунтазам такомиллаштиришни тақозо этади. Тадбиркорлик таълимига оид манба ва инновацион электрон ўқув материалларининг жуда кўплиги ва хилма-хиллигини инобатга олиб, ўқув дастури асосида қандай шаклдаги натижадор рақамли контентларни лойиҳалаштиришга зарурият мавжудлиги аниқланиши лозим. Шунингдек, бундай рақамли

таълим контентларига асосланган лойиҳалаштиришда дунёдаги энг йирик компанияларнинг бой тадбиркорлик тажрибасини ва чет эл таълим муассасаларининг таълим дастурий таъминотларини инобатга олган ҳолда халқаро ва хорижий бизнес ҳуқуқи асосларини мукамал қийёсий - ҳуқуқий ўқитишни жорий этиш лозим. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолияти бўйича рақамли контентларга мувофиқ ўқитишда мактаб, институт ва университет дастурларини ўзаро электрон модулли мувофиқлаштириш бўлажак мутахассисга унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мураккаб ва тизимли асосда ўрганиш имконини беради. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, бундай ўзаро электрон таълим контент тизимлари модулли алоқадорлигида тадбиркорлик соҳасига рақамли технологияларни мукамал эгаллаган малакали кадрлар корпусини тайёрлашда миллий тадбиркорлик аънавалари ва тажрибаси ҳамда дунёнинг етакчи таълим муассасаларининг бу борадаги электрон ўқув дастурларини мақсадли ва қийёсий жиҳатидан ўзаро уйғунлаштиришга эришиш лозим.

Тадбиркорлик ҳуқуқий фанларининг илмий-амалий модулли ўқитишдаги энг долзарб масала таълимининг глобаллашув тенденцияларини инобатга олиб, тадбиркорлик таълими бўйича энг мақбул инновацион рақамли таълим стандартларини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий ва ўқув методик таъминлаш борасида назарий ва амалий тайёргарликдан ўтган моҳир педагог олим ва мутахассислар корпусини шакллантириш лозим. Шу мақсадда рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари бўйича рақамлаштириш технологияларини мукамал эгаллаган педагогларни тайёрлаш, уларнинг реал ва виртуал платформаларни таълим жараёнига тадбиқ этишга оид малакасини ошириш, энг муҳими, замонавий рақамли технологияларга асосланган дастурларининг самарадорлигини ошириш ўз навбатида, инновацион рақамли тадбиркорлик таълими бўйича самарали натижаларга эришиш имкониятини яратади. Бинобарин, бакалаврият талабаларига мос давлат стандартларини ўз ичига олган ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган рақамли ўқув контентларини сифатли шакллантириш ва улар билимини баҳолашнинг синалган самарали механизмларини яратиш, тадбиркорлик ҳуқуқи бўйича электрон платформага мувофиқ таълим ва тарбия беришнинг мақсадларига эришишда ғоятда муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, рақамли тадбиркорлик таълими контенти бўйича ўқитишнинг электрон платформали давлат дастурлари нафақат таълим жараёнини ақлли стандартлаштириш ва моделлаштириш талабларига балки, уларни илмий-ижодий ўқитишнинг интерфаол методларига ҳам мос бўлиши лозим. Боз устига, талаба, тадқиқотчи ва педагогларнинг рақамли тадбиркорлик таълимига оид интеллектуал тафаккурини ривожлантириш бўйича давлатнинг рақамли таълим сиёсатининг таркибий қисми билан боғлиқ энг муҳим таркиб ва қисмларни ўз ичига қамраб олган бўлиши керак.

Рақамли трансформациялашув шароитида юридик таълимнинг таркибий қисми бўлган тадбиркорлик таълими контентини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида соҳага оид қонун ҳужжатларида унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаш норма ижодкорлик фаолиятининг янги ва истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тадбиркорлик таълимига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни қуйидаги 3 та йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: биринчидан, тадбиркорлик фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш; иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини электрон платформага асосланган дастурларга мувофиқ доимий янгиланадиган ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг самарали шакл ва усулларини амалиётга татбиқ этиш; учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг рақамлаштиришга оид касбий малакаси ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг махсус устувор норматив - ҳуқуқий асосларини шакллантириш лозим. Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб бундай реал ва виртуал маконда иш юритишга қодир, юксак малакали кадрлар корпусини тайёрлаш ва улар бизнес фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб оладиган Ўзбекистон Республикасининг “Рақамли тадбиркорлик таълимини ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқиб, уни амалиётда татбиқ этиш, ижтимоий тадбиркорлик, IT- кампания, электрон юридик шахслар инновацион рақамли тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил қилиш имкониятини яратади. Рақамли таълим контентига асосланган ўқув жараёнида талабалар ўз гаджетларига эга бўлишига эришиш лозим. Таълим гаджетига кўра, ўқув ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай жойда амалга оширилиши мумкин. Шу боис, гаджетдан фойдаланувчилар ўзлари учун қулай бўлган гаджет модулларини танлаб олиши мумкин. Мобил ўқув машғулотлари бўйича талабанинг ўқув аудиторияда ва аудиториядан ташқари таълим ўртасида вақт мутаносиб тақсимланиши ва талаба асосий билимни масофавий олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Экспертларнинг фикрича, бундай ўқув методи жуда ҳам қулай бўлиб, талабани ўқув жараёнига кенг жалб қилади, ижодий муҳитни шакллантиришга ёрдам бериб, талаба танқидий фикрлаш ва қўйилган вазифани биргаликда ишлаш кўникмасига эга бўлади. Шунингдек, “Makers - races” амалий ўқув учун майдон ташкил этилади. Талабалар учун бундай майдонда ўз билимлари билан баҳс-мунозарага киришиш муҳити вужудга келади, эркин экспериментни амалга ошириш ва янгиликларни яратиш имкони туғилади. Бундай майдон 3D принтер қурилма ва 3D сканер билан жиҳозланиб, ўқув дастурларидан ташқари талабаларнинг биргаликдаги ишини ташкил этишни ва амалий кўникмаларини рағбатлантиради. Ўқув жараёнида Натель технологиялари, Google Glass ёки Apple ва Samsung ақлли соатлар, шунингдек янги замонавий технологиялар, масалан, нейроинтерфейс кабилар

қўлланилади. Ҳар бир талабанинг якка тартибдаги қизиқишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари ва платформалари бўйича ўқитишга мўлжалланган технологиялар татбиқ этилади. Бундан ташқари, гаджет ва инсонларни коммуникация шохобчалари орқали технологияларни ягона тизимга бирлаштирадиган интернет-ашёни қўллаш доираси кенгайиб боради. Масофавий ўқитиш жараёнида талаба ва педагогнинг ижтимоий мақомида трансформациялашув рўй бермоқда. Одатда, уларнинг интернет тармоқларида виртуал объект сифатида намоён бўлиши таълим жараёнидаги роли ва масъулиятли тарзда ўз фаолиятини ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Рақамли реаллик юрист касби-га, соҳага рақамли билим ва ваколатга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга, таълим технологияси ва таълим мазмуни билан бевосита алоқадор бўлган талабларни тубдан ўзгартирмоқда десак, асло муболаға бўлмайди. Рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлашнинг ривожланиб бориши жараёнида рақамли ҳуқуқий таълимнинг янги шакллари ҳам вужудга келиши табиий. Айниқса, софт дастурлаштириш, кўплаб тилларни танийдиган ва ўзини-ўзи ўқитишга қодир (Leverton, Watson ва х.к.) электрон дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин. Юридик фаолиятга IT- технологиялар жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Электрон дастур ва ботлар орқали тўловли ва тўловсиз маслаҳат берувчи интернет сайтлар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши, электрон имзо, сунъий интеллект, электрон суд, онлайн арбитраж ва онлайн медиация каби кўплаб рақамли институтлар кундалик ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмига айланганлиги ҳам айтишга қийин. Бир ҳаётини ҳақиқатни асло унутмаслик керакки, ҳуқуқшунос касби азал-азалдан инсонлар билан ўзаро мулоқотга асосланган, тўра-тузук миллий-тарихий қадриятлардан озикланган ҳолда жамиятда ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартибот ўрнатиш, хушхулққа эга бўлмаган жамият аъзоларини қонун устуворлиги руҳида тарбиялаш ва улар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бевосита узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли роботлаштирилган контентга асосланган ўқув платформаларни қўллашнинг оқилона меъёрини белгилаш нафақат назарий — доктринал балки амалий жиҳатидан ниҳоятда зарур. Шу боис, рақамли тадбиркорлик таълим контентларини шакллантиришда талаба ва ҳуқуқшунос педагогнинг тирик бошқача айтганда, жонли ва виртуал мулоқоти ўзаро нисбатининг “олтин ўртасига” амал қилишга эришиш лозим. Қолаверса, бўлажак юрист инсонлараро муносабатларда электрон тармоқлараро мулоқот маданиятини жуда пухта эгаллаган бўлиши зарур. Бўлажак мутахассисни рақамли технологияларга асосланган таълим контентларига мувофиқ ўқитишда одоб-ахлоқ сифатлари ва фазилатларига эга бўлишнинг таъсирчан ва оқилона тарбиявий воситаларини қўллашни тақозо этади.

Уч элак ҳақида ривоят

Бир киши донишманддан сўради:

– Дўстингиз сиз ҳақингизда нима деганини айтайми?

– Шошма, – деди донишманд, – аввал айтмоқчи бўлган гапингни учта элакдан ўтказ...

– Учта элак?

– Бирор гапни айтишдан олдин, уни учта элакдан ўтказиши лозим. Аввал ҲАҚИҚАТ элагидан. Айтмоқчи бўлган гапинг ҳақиқат эканлигига ишончинг комилми?

– Йўқ, мен уни шунчаки эшитдим, холос.

– Демак, сен унинг рост ёки ёлгонлигини билмайсан. Энди иккинчи – ЯХШИЛИК элагидан ўтказамиз. Сен менга дўстим ҳақида бирор яхши гапни айтмоқчимисан?

– Йўқ, аксинча.

– Демак, сен менга ҳақиқатлигини билмай туриб ёмон хабарни етказмоқчисан. Энди учинчи элакдан ўтказамиз – ФОЙДА элаги. Сенинг гапингни эшитишим шартми, у менга фойда келтирадими?

– Йўқ, ҳожати йўқ.

– Унда сен етказмоқчи бўлган хабарда ҳақиқат ҳам, яхшилик ҳам, фойда ҳам йўқ экан. Уни менга айтиб нима қиласан?





Алишер АЧИЛОВ,

Давлат божхона
қўмитаси Божхо-
на институти
доценти, божхона
хизмати подпол-
ковниги

ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

Сўнгги пайтларда иқтисодиётга сезиларли зарар етказувчи, хуфёна иқтисодиётнинг сақланиб қолинишига бевосита таъсир кўрсатувчи жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг қонунийлаштирилишига қарши кураш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш кенг қўламли жиноят ҳисобланиб, асосан яширин хусусиятга эга жиноятлар тоифасига киради. Таҳлилларга кўра, ушбу жиноятни содир этиш усуллари доимий ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, мураккаблашиб бориш, қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланиш, турли жиноий схемалар орқали содир этилиши ҳоллари кузатилади. Жиноий фаолият минтақавий, миллий ва жаҳон бозорларидаги, шу жумладан сотилиши тақиқланган буюмлар (гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва бошқалар) бозорлари билан доимий боғлиқдир. Жиноий уюшмалар ўз фаолиятини фаол равишда диверсификация қилиб, унинг доирасини кенгайтирадилар. Бу эса уларни аниқлаш ва фош этиш мураккаб эканлигини англатади.

Ушбу жиноят тури ўз хусусиятига кўра предикат жиноят турига кириб, уни аниқлашда Жиноят кодексининг исталган моддаси асос бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда муҳожирларни ноқонуний олиб ўтиш, пул ювиш, янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий фирибгарлик, шунингдек, божхона соҳасидаги жиноятлар кўпайиб бормоқда. Амалий жиҳатдан, ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммоси жуда мунозарали.

Юқорида келтирилган хусусиятлардан кўришимиз мумкинки, амалиётда ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш ва тўғри тавсифлаш бўйича маълум бир муаммолар юзага келмоқда ва айни пайтда уларни ислоҳ этиб, керакли чоралар кўриш зарурлиги тақозо этилмоқда. Шу ўринда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш жинояти бўйича жавобгарлик масалаларига оид мавжуд муаммолар ва ушбу жиноятнинг юридик таҳлиллари ва хорижий қонунчилик тажрибаси асосида қонунчилик ва амалиётда юзага келаётган зиддиятли масалаларни бартараф этиш мақсадида келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 243-моддаси Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деб номланиб, унга кўра “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

ЖКнинг 243-моддасида кўрсатилган ушбу қилмиш Жиноят кодексининг “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб ном олган олтинчи бўлимига киритилган. Ноқонуний олинган пул маблағлари ва ўзга мулкни легаллаштиришнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу қилмиш ушбу мулкларнинг легал тадбиркорлик фаолиятига қўшилиб кетишига олиб келади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузади, уюшган жиноятчиликнинг назорат остида бўлган – наркобизнес, қимор ва шу каби яширин тадбиркорликнинг анча хавфли турлари тарқалишига кўмаклашади. Бундан ташқари легаллаштириш мамлакатнинг солиқ тизимини издан чиқаради, чунки бу билан давлат хазинасига тушмай қоладиган анчагина пул маблағларини солиққа тортиш имкониятидан маҳрум қилади.

Мазкур жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноят содир этиш усули ҳисобланса, унинг зарурий элементи эса бу жиноий фаолият натижасидан орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) мавжуд бўлишидир. Демак, жиноятнинг объектив томони факультатив белгиси ҳисобланмиш жиноят содир этиш усули ва жиноят предмети қилмишни квалификация қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис, бу жиноятни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” деб номланадиган учинчи бўлимига киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, ушбу жиноят содир этилганда биринчи ўринда республика иқтисодий асослари ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Ушбу жиноий қилмиш Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Молдова Жиноят кодексларида ҳам иқтисодий

фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган.

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда даромадларини декларация қилиш тизими мавжуд бўлганлиги учун, жиноий йўл билан топилган даромадлар турли молиявий операциялар ва битимлар орқали легаллаштирилиши кўп учрайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, МДХ давлатлари Жиноят кодексларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш усуллари (молиявий операциялар, битимлар орқали содир этиладиган легализация) тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлиб, факультатив белги зарурий белги сифатида ўз аксини топган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ушбу қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддасида оғирлаштирувчи белгилар мавжуд эмас.

Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексида легализация учун 2 та модда бўйича жавобгарлик белгиланган. РФ ЖКнинг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланса, 174¹-моддаси “жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланади. Яъни, Россия Жиноят кодексида ўзи томонидан содир этилган жиноят натижасида топилган мулкни қонунийлаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни қонунийлаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, РФ Жиноят кодексида жиноий йўл билан топилган мулкни қонунийлаштириш учун дифференциациялаштирилган жавобгарлик белгиланган. Жумладан, кўп миқдорда содир этилиши 2-қисм билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш 3-қисм билан, жуда кўп миқдорда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши эса жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖКнинг 174¹-моддаси 4-қисм билан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан ташқари, барча қисмларида муқобил жазо турлари белгиланган. Қозоғистон, Молдова, Беларусь, Украина Жиноят кодекслари бўйича ҳам жиноий йўл билан топилган мулкни қонунийлаштириш учун дифференциациялаштирилган жавобгарлик белгиланган ва муқобил жазо турлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 243-моддаси фақат 1 та қисмдан иборат ҳамда беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шунингдек, ҳар қандай миқдордаги жиноий йўл билан топилган мулкни қонунийлаштириш учун бир хилда жавобгарлик белгиланган, яъни қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар, легализация миқдори мазкур моддада белгиланмаган, муқобил жазо турлари назарда тутилмаган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, таъкидлаб ўтилган тақрорийлик белгиси, бизнинг фикримизча, жиноятни тавсифлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш



билан шуғулланувчи шахслар ушбу қилмишни тақроран содир этиш эҳтимоли катта бўлиб, иқтисодий соҳада жиноятчилар кўпинча бир хил жиноятларни содир этганлик учун судланади. Шу боис, ушбу жиноятни тақроран содир этганлик белгисини миллий қонунчилигимизда ҳам тадбиқ этишимиз ва жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишда инобатга олишимиз керак, деб ҳисоблаймиз. Ушбу институтни миллий қонунчиликда акс эттириш, албатта жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш самарадорлигини янада оширади.

Амалиётда айрим ҳолларда иқтисодий жиноятларнинг айнан ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш ва исботлаш мураккаблиги, етказилган зарарни қоплаш ва бошқа муаммолар юзага келмоқда. Маълумки, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик етказилган зарар миқдорида қараб фарқ қилади. Зарар миқдори ҳуқуқбузарлик тугалланган вақтда амалда бўлган миқдорлардан келиб чиқиб ҳисобланади. Ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарликка тортишда зарарнинг бартараф этилганлиги ёки этилмаганлиги муҳим аҳамият касб этади. Жиноят кодексига мувофиқ шахс бир қатор ҳолларда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Олиб борилган илмий тадқиқот ва изланишлар хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида иқтисодий жиноятларга оид нормаларнинг салмоғи катта бўлиб, аксарият давлатларда жиноий қилмиш учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи нормалар кўрсатиб ўтилган ва бу амалиёт етказилган зарарни қоплашда самарали эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, миллий қонунчилигимизда юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепциясида суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги, хусусан, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг, шу жумладан юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш соҳаси етарли даражада имплементация қилинмаганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи бугунги шароитда тобора долзарб бўлиб бормоқда ва

таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина ривожланган мамлакатларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини қўллаш амалиёти нафақат мумкин, балки баъзан зарур, айниқса иқтисодий ривожланиб борган сари, нодавлат ва нотижорат субъектлар қўлида тобора кўпроқ капитал тўпланишини назарда тутди. Яқин вақтгача юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик асосан Англия-Америка жиноят қонунчилигининг ўзига хос хусусияти ҳисобланарди. Сўнгги йилларда дунёнинг тобора кўпроқ мамлакатлари ушбу институтни ўзларининг жиноят қонунчилигига киритишни бошладилар. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги халқаро миқёсда тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепцияси талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илғор хорижий тажрибанинг юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жиноят кодексига иқтисодий, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти учун ҳам юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаш ва жазо тариқасида жарима қўллаш, жарима миқдорини ҳуқуқбузарлик содир этган юридик шахс томонидан етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Юқоридагиларга асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш натижасида миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддасига қуйидагича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда жавобгарликни либераллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз:

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни молиявий операциялар ва бошқа битимлар орқали ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида шундай ҳаракатларни амалга ошириш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек юридик шахсларга нисбатан етказилган зарарнинг 100 фоизигача миқдорда жарима билан жазоланади.

Ушбу қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек юридик шахсларга нисбатан етказилган зарарнинг 200 фоизигача миқдорда жарима билан жазоланади.

Ушбу модданинг 1 ва 2-қисмида кўрсатилган қилмиш:

- ➡ жуда кўп миқдорда;
- ➡ уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
- ➡ такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- ➡ хизмат лавозимини сууистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек юридик шахсларга нисбатан етказилган зарарнинг 300 фоизигача миқдорда жарима билан жазоланади.

Тайёргарлик кўриладиган ёки содир этиладиган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни фош этишда фаол ёрдам берган, шунингдек ўз ихтиёри билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таклиф этиладиган модданинг 4-қисмида кўрсатилган рағбатлантирувчи нормасининг киритилиши, яъни ўз ихтиёри билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни топширган ўз-ўзидан жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсадини қисман бекор қилиб, қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини пасайтиради, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди олиниши таъминланади.

Хулоса ўрнида, юқорида илгари сурилган фикр ва мулоҳазалар қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, қонунларнинг сифатли ва самарали ишлашини таъминлашга муайян даражада кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. FATF(2012-2018),InternationalStandardsonCombatingMoneyLaunderingandtheFinancingofTerrorism&Proliferation, FATF, Paris, France,www.fatf-gafi.org/recommendations.html
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, <https://www.lex.uz/docs/111453>
3. Уголовный кодекс Российской Федерации. Ст.174-174.1; УК Рес. Таджикистан. ст.262; УК Рес.Казахстан. ст.218; УК Рес.Киргизстан.ст.215 - <https://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>
4. Ачилов А.Т., Мирзаев И. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари(Чет эл тажрибаси мисолида) // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2020 йил 1-сон.104-109 б; Ачилов А.Т. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш // Монография - Тошкент: БИ, 2020 й.-230 б
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон Қарори, <http://lex.uz/docs/3735818>.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ



Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туман-
лараро иқтисодий
судининг раиси

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижара муносабатлари ривожланиб бориши билан бирга, унда иштирок этувчи шахслар ўртасида ҳам табиий равишда турли низолар юзага келмоқда. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида ижара шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда иқтисодий судлар алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг ўтган январь – февраль ойлари давомида Тошкент туманлараро иқтисодий судига ижара шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича 583 та даъво аризалар келиб тушган. Шундан, 127 таси қайтарилган, 9 та даъво аризани қабул қилиш рад этилган. 447 та даъво ариза иш юритувга қабул қилинган, 21 таси кўрмасдан қолдирилган, 15 таси бўйича эса иш юритиш тугатилган.

Суд томонидан кўриб чиқилган 331 та даъво аризалардан, 310 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган, 21 тасини қаноатлантириш рад қилинган. Ҳозирда 80 та даъво ариза бўйича суд муҳокамалари давом этмоқда.

“Ижара тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ижара – шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек ҳўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборатдир¹.

Ушбу таърифдан кўринадики, мол-мулк ҳақ эвазига ижарага берувчи томонидан ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади, яъни мулкдор ўзида бўш турган мулкни фойда олиш мақсадида бошқа бир шахсга ижарага беради.

Ижара шартномасидан келиб чиқадиган айрим низоларни ҳал қилиш бўйича суд амалиётига тўхталиб ўтсак.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 1-моддасига кўра, фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар².

ФКнинг 354-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркинлиги белгиланган.

Даъвогар хусусий корхона судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар МЧЖни янги муддатга ижара шартномаси тузишга мажбурлашни сўраган.

Даъвогар (ижарага олувчи) ва жавобгар (ижарага берувчи) ўртасида ижара шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра жавобгар ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк биносини ижара шартлари асосида даъвогарга берган. Шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 5 январь этиб белгиланган.

Даъвогар жавобгарга мурожаат этиб, ижара муносабатларини узоқ муддат давом эттиришга ва шартнома шартларини қайта кўриб чиқишга тайёр эканлигини маълум қилган, аммо жавобгар янги муддатга ижара шартномасини тузмаган.

Суд юқоридаги кодекс талабларига асосан ижара шартномаси тузилиши мажбурий бўлган оммавий шартномалар сирасига кирмаслигини ҳамда жавобгар қонун ҳужжатларида ёки бошқа бир мажбуриятда келгусида даъвогар билан ижара шартномаси тузиш бурчини зиммасига олмаганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад қилган.

“Ижара тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ шартнома муддати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачи шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

ФКнинг 553-моддасида агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши, ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозимлиги, агар ижарага берувчи ижарага олувчи билан янги муддатга шартнома тузишни рад этса-ю, аммо у билан

тузилган шартнома муддати тугаганидан кейин бир йил ичида бошқа шахс билан мулк ижараси шартномасини тузса, ижарага олувчи ўз хоҳишига кўра ё тузилган шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтказилишини ва ўзи билан шартномани янгилашни рад этиш оқибатида ўзига етказилган зарарнинг тўланишини ёки фақат зарарнинг ўзи тўланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқоридагилардан кўринадики, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачининг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш ва бундай ҳуқуқнинг бузилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, агар манфаатдор шахс бу борада ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобласа, ФКнинг 553-моддаси талабидан келиб чиқиб, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин бўлади.

ФК 549-моддасига кўра, ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк (хўжалик юриштиш, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш) ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмаслиги белгиланган.

Даъвогар “АСР” хусусий корхонаси 2020 йил сентябрь ойида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Gazmaxsusqurilish” АЖ ва қўшимча жавобгар “Gazinjiniring” МЧЖга нисбатан уларни Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёд кўчаси, Г-446-манзилида жойлашган нотурар кўчмас мулк худудидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар 2020 йил 9 июнда “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида ташкил этилган савдода қўлиб деб топилган ва жавобгарга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёд кўчаси, Г-446-манзилида жойлашган кўчмас мулкни сотиб олган ҳамда унга бўлган мулккий ҳуқуқ кадастр хизматида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жавобгар ва қўшимча жавобгар ўртасида 2020 йил 7 январда ижара шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, жавобгар ўша вақтда ўзига тегишли бўлган бино-иншоотнинг 2 822,0 кв.метрдан иборат бўлган худудини 2020 йил 30 декабрга қадар бўлган муддатга ижарага берган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарорининг 8-бандида, ФК 549-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг ижарага берувчидан бошқа шахсга ўтиши натижасида ижарага берувчининг ўзгариши, бошқа шахс мулкни сотиб олишда ижара шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида огоҳлантирилмаганлигидан қатъий назар, аввалги ижарага берувчининг ижара бўйича барча мажбуриятлари тўла ҳажмда унга ўтиши, янги ижарага берувчи шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ижарага берилган мулкни қайтаришни ёки иштирокчиларнинг таркиби ўзгаришини асос қилиб, шартнома шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган³.

Шунга кўра, суд ижара объекти мулкдорининг ўзгариши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмаслигини инобатга олиб, даъвогарнинг жавобгарни юқоридаги манзилдан мажбурий чиқариш қисмини қаноатлантириб, қўшимча жавобгар (ижарага олувчи)ни мажбурий чиқариш қисмини қаноатлантиришдан рад қилган.

ФК 554-моддасига мувофиқ, мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада қилишилган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчи кўрган зарарни қопламаган тақдирда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Даъвогар “Орзу” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Сарвиноз” МЧЖ ҳисобидан 17 372 160 сўм ижара ҳақи ундиришни сўраган.

Даъвогар (ижарага берувчи) ва жавобгар (ижарага олувчи) ўртасида 2019 йил 8 апрелда ижара шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан бино-иншоотларнинг 542,88 кв.метрдан иборат бўлган қисми ижарага берилган.



Ижара шартномасининг 5.1-бандига кўра ижара муддати 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабргача этиб белгиланган.

Шартноманинг 5.1.2-бандида ижара муддати тугашига бир ой қолганда “ижарага олувчи” шартноманинг муддатини узайтириш тўғрисида “ижарага берувчи”ни хабардор қилиши қайд этилган бўлса-да, аммо жавобгар томонидан шартноманинг муддатини узайтириш тўғрисида даъвогарга хабар бермаган. Шунингдек, шартноманинг 6.1-бандида ижара муддати тугаганидан сўнг 3 кун ичида ижара объекти тегишли топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан “ижарага берувчи”га қайтарилиши белгиланган бўлса-да, жавобгар томонидан ижара объекти даъвогарга шартлашилган тартибда ва муддатда топширилмаган.

Шу сабабли, даъвогар 2020 йил январь ойидан апрель ойига қадар, яъни тўрт ой учун жавобгар амалда эгаллаб турган 542,88 кв.метр жойга ҳар ой учун 4.343.040 сўмдан, жами 17 372 160 сўм ижара ҳақи ҳисоблаб, уни ундиришни сўраган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарорининг 9-бандида, ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулкдан амалда фойдаланишни давом эттираверса, ижарага олувчи бутун фойдаланган давр учун ижара ҳақини тўлашга мажбурлиги белгиланган.

Қайд этилганларга кўра, суд ижара муддати тугаган бўлса-да, жавобгар ундан фойдаланиб келаётганлигини инобатга олиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

ФКнинг 555-моддасига мувофиқ, агарда мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олса бўладиган тарзда яхшиланиши унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ўз маблағлари ҳисобидан ва ижарага берувчининг розилиги билан яхшилаган, бу яхшилашни мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома бекор бўлганидан кейин, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу яхшилашлар қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмади.

Даъвогар “Улфат” хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар Давлат активларини бошқариш агентлиги

хузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳудудий бошқармаси ва туман Тиббиёт бирлашмасидан 246 236 328 сўм моддий зарар ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳудудий бошқармаси (ижарага берувчи), даъвогар (ижарага олувчи) ҳамда туман Тиббиёт бирлашмаси (балансда сақловчи) ўртасида 2019 йил 17 октябрда ижара шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Бухорий” кўчасида жойлашган давлат мулки ҳисобланган бинонинг 1443 кв.метрдан иборат хоналари 2020 йил 31 августга қадар бўлган муддатга ижара шартлари асосида даъвогарга берилган.

Шартноманинг 4.4-бандида “ижарага олувчи” ижарага берилган объектда тиклаш ёки мукаммал таъмирлаш ишларини фақат “ижара берувчи” ва “балансда сақловчи”нинг розилиги билангина амалга ошириши мумкинлиги, 4.3-бандида эса “ижарага олувчи” ижара объектида тиклаш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширган тақдирда, сарф-харажатларни Қурилиш вазирлигининг тегишли экспертиза натижаларини тақдим этган ҳолда ижара тўлови суммасини камайтиришни “ижарага берувчи”дан талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Даъвогар ижара объектида жами 246 236 328 сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширганлигини ва ушбу сарф-харажатлари экспертиза хулосаси асосида тасдиқланиши сабабли ушбу суммани ундириш тўғрисида судга даъво ариза билан мурожаат қилган.

Суд ишни кўриш давомида даъвогар томонидан ижара объектида қилинган таъмирлаш ишлари ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилганлиги аниқланганлигини инобатга олиб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мулк ижараси шартномасидан келиб чиқувчи низоларни иқтисодий судлар томонидан қонуний ҳал этиш ижара муносабатлари иштирокчиларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, кенг жамоатчиликнинг суд органларига бўлган ишончини оширишга ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ижара тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1992 й., 1-сон, 45-модда // <https://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда // <https://www.lex.uz>
3. Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори // www.lex.uz



**Комил
СИНДАРОВ,**
юридик
фанлар
доктори

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР: ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ



**Бахтиёр
ҚИЛИЧЕВ,**
мустақил
изланувчи

Маъмурий тартиб-таомиллар орқали давлатнинг маъмурий органлари ҳамда жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Бунда барча маъмурий ҳужжатлар ёки давлат органлари мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш, уларнинг ҳаракатларини тугатиш, янги маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш ва ҳоказолар назарда тутилади.

Ўрни келганда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиш босқичларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борадаги халқаро экспертларнинг таҳлилларига кўра, йигирманчи асрнинг сўнгига қадар давлат бошқаруви фаолияти ва унинг фуқаролар билан қонунчилик даражасидаги муносабатлари деярли тартибга солинмаган¹. Лекин, баъзи бир Европа давлатларида, жумладан Францияда 1990 йилларда маъмурий тартиб-таомилларни тартибга соладиган кодификация қилинган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Маъмурий (ёки оммавий-ҳуқуқий) шартномалар институти қўлланиладиган мамлакатларда маъмурий-процессуал қонунлар ҳам ушбу соҳага тааллуқлидир. Бунга Германия Федератив Республикаси, Эстония ва Грузиянинг қонунчилиги яққол мисол бўла олади. Арманистон ва Латвия қонунчилигида маъмурий фаолият натижасида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар ҳам тартибга солинган.

Бу тушунча постсовет давлатлари ҳудуди учун бир қадар янги мавзу эди. Чунки, собиқ иттифоқда маъмурий процедураларни қонуний тартибга солиш анъанаси бўлмаган ва маъмурий ҳуқуқ назариясида бу мавзу деярли ишлаб чиқилмаган. 2000 йилларда МДХ давлатларида ҳам маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинди.

Хусусан, Қозоғистон Республикасида 2000 йил 27 ноябрда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Орадан 20 йил ўтгандан кейин 2020 йил 29 июнда Қозоғистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги кодекси қабул қилинган.

Қозоғистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги кодекси, давлат органларининг ички маъмурий процедуралари-

ни, шунингдек маъмурий иш юритиш тартибини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Унда тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари давлат органлари, маъмурий органлар, мансабдор шахслар, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар деб белгиланган.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2018 йил 8 январда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган. Аҳамиятлиси шунда-ки, ушбу қонун қабул қилингандан кейин 1 йил ўтиб кучга кирди. Мазкур Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Унинг 4-моддасида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берилган: **маъмурий тартиб-таомил** — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар².

Афсуски, мазкур Қонуннинг қабул қилинганига уч йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унинг амалиётга тўлиқ татбиқ қилинишида бир қатор муаммолар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Хусусан, яқинда Адлия вазирлиги томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг амалиётга қандай татбиқ этилаётгани ва унда белгиланган нормаларнинг ишлаш аҳволи ўрганилганда, бу борада бир қатор тизимли

камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Адлия ва-зирлиги мутасаддиларининг хулосаларига кўра, асосий масала қонун ости ҳужжатларининг ушбу Қонунга мувофиқлаштирилмагани билан боғлиқ. Натижада идораларда Қонунда белгиланган нормаларни эмас, балки соҳавий (махсус) қонун ҳужжатларидаги Қонунга мувофиқ бўлмаган талабларни қўллаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш амалиёти шаклланган.

Гап шунда-ки, 2017 йил декабрь ойида қабул қилинган ушбу қонуннинг² мавжудлигидан мамлакатимиз аҳолисининг жуда катта қисми бохабар эмас. Ҳатто, ҳалигача баъзи бир давлат хизматчилари бу қонуннинг мазмун-моҳиятини тўлалигича англаб етмаган.

Амалиётдаги ушбу муаммоларни бартараф этиш учун, биринчи навбатда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий тартиб-таомилларни барча давлат органлари фаолиятига бир хилда тизимли равишда татбиқ этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши лозим. Бунда маъмурий тартиб-таомиллар қонунчилиги яхши ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, илмий ҳуқуқшунослик томонидан соҳадаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам фундаментал тадқиқотлар қилиниши уни такомиллаштиришда ижобий самара беради.

Шунингдек, ушбу қонуннинг қўлланишини фақат бир марта эмас, балки доимий равишда ўрганиб бориш амалиёти йўлга қўйилиши керак. Ўрганиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Парламент аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзаро ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратилиши керак.

Қонуннинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунарли шаклда, оддий тилда етказишга қаратилган ахборот материалларни тарқатиш, шунингдек, тематик видео-роликлар яратиш, босма материаллар (плакатлар, рисоалар, буклетлар) чоп этишни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиши ва татбиқ этилиши зарурияти мавжуд.

Қонун ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда Қонун нормаларини қўллаш масалалари бўйича давлат хизматчиларининг малакасини ошириш юзасидан ўқув дастурлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш бўйича



ўқув-методик материаллар ва амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир”⁴.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги”-ги қонун амалиётда нега тўлиқ “ишлаб” кетмаяпти? Мазкур қонунни такомиллаштирмасдан, унинг ҳаётийлигини таъминламасдан туриб, жамият ривожига эришиб бўлмайди. Маъмурий идоралар халққа хизмат қилмас экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши амалда таъминланмас экан фуқаролик жамияти қуриб бўлмайди.

Ваҳоланки, мазкур ҳужжат айнан аҳолини бIRON бир масала юзасидан давлат органларига мурожаат қилган вақтида турли расмийликларга ва бюрократик тўсиқларга дуч келмай, иши осон ва қисқа вақт ичида битишига хизмат қилиши керак.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни амалиётга тўғри татбиқ этиш орқали маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ягона тизимга солиниши ва енгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юридик фанлар доктори Жўрабек Нематовнинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала – маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган,

тадқиқ этилмаган. Шу маънода, “маъмурий тартиб-таомиллар” тушунчаси, унинг асосий қоидалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади⁵.

Шунингдек, мазкур қонунларда учрайдиган баъзи тушунчаларга ойдинлик киритиш керак, жумладан, “маъмурий органлар”, “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)”, “маъмурий ҳужжат” каби тушунчаларни нотўғри талқин қилишининг олдини олган ҳолда, уларни соддароқ ва кенгроқ ёритиш, бу тушунчаларнинг аниқ белгиси ва мезонларини кўрсатиб ўтиш талаб этилади.

Маъмурий органларга “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) нима эканлигини ва нималарда хато қилинаётганини тушунтириб ўтиш лозим. Масалан, маъмурий орган ўзида шундай ваколат борлигини тушунмайди ва ундан фойдаланмайди; ваколат доирасини ўзича кенгайтириб олади; мазкур ваколатини нотўғри ёки хато қўллайди. Ушбу хатолар бартараф этиладиган бўлса, судларда маъмурий органлар чиқарган маъмурий актлар устидан шикоят қилиш ва уларни бекор қилиш ҳолатлари камаяди.

Бундан ташқари, маъмурий судларга бўлаётган муносабат ва ёндашувни ўзгартириш талаб этилади. Сабаби, аҳоли ўртасида маъмурий судлар ҳозирда асосан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади деган тушунча шаклланган. Аслида маъмурий судлар фуқароларнинг манфаатларини, уларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим.

Хулоса ўрнида Ўзбекистонда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг амалиётда қўлланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш жоиз бўлади:

биринчидан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг асосий тушунча ва

принципларини такомиллаштириш, аҳоли учун содда ва раво, тушунарли бўлишига эришиш талаб этилади;


иккинчидан, бу борадаги қонунчиликни тизимлаштириш ва хатловдан ўтказиш. Шу йўл билан соҳага оид қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қарор, низом, йўриқнома кабилар) ни Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунига мослаштириб, қонунга зид келадиган нормаларни ўзгартириб, устуворлик тамойилини амалиётда қўллаш керак. Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун нормаларини қайд этилган қонунга мувофиқлаштириш зарур;

учинчидан, давлат хизматчилари ва маъмурий ишлар бўйича судьяларни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни қўллаш кўникмасини ошириш бўйича махсус курсларда ўқитишни ташкил этиш. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида, шунингдек Судьялар олий мактабида барча давлат хизматчилари ва судьяларни қайд этилган қонунни қўллаш юзасидан қисқа муддатли махсус курсларда малакасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади;

тўртинчидан, аҳолининг маъмурий тартиб таомилларга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг бу борадаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш;

бешинчидан, давлат хизматчилари ва судьяларни Германия, Болтиқ бўйи ҳамда Озарбайжон Республикаларига бориб, хорижий тажриба ва қонунни қўллаш амалиётларини ўрганишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилган таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://online.zakon.kz/>
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. «Қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос». Ўзбекистоннинг Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни мамлакат Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали йиғилишдаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 7 декабрь. <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/11/qonunlar/>
5. Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институти сифатидаги илмий-назарий таҳлили. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2018. - №9. Б. 41-47.

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КОНТРАБАНДАНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ ҲОЛАТЛАР

Дастлабки ва суд тергови жараёнида исботланувчи ҳолатлар алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш методикасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Сўнгги йилларда криминалист олимлар криминалистик тавсиф ва тергов вазияти назариясини ишлаб чиқиш муаммоларига катта эътибор қаратиб, хусусий криминалистик методика учун доимий аҳамиятга эга бўлган исботлаш предмети назариясининг муаммоларига унча қизиқмай қўйдилар.

Бу олимларнинг баъзилари ушбу назарияни эскирган, у хусусий криминалистик методика учун амалиётда тасдиқланмаган назариянинг сарқитлари деб ҳисоблайдилар. Хусусан, бундай нуқтаи назарни И. А. Копилов билдирган. Бизнингча, бундай фикрлар хато, билиш назариясидан узоқда бўлиб, тергов (судлов) амалиётининг ҳақиқий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бу борадаги фикрларимиз қуйидагилардан иборат:

➡ исботланиши лозим бўлган ҳолатлар муайян турдаги жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини акс эттириб, тергов тактикасини белгилаб беради ва охир-оқибатда исботлаш предмети таъкид қилади;

➡ исботланиши лозим бўлган ҳолатларга нисбатан криминалистик тавсиф жиноий қилмишининг у ёки бу фактларига доир ахборотни тақдим этиш кўринишидаги "ёрдამчи" хусусиятга эга;

➡ исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тушунчаси ва мазмуни жиноят процесси фанида аниқ таърифланган, жумладан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида ўз аксини топган, криминалистик тавсиф элементлари эса муқобил хусусиятга эга;

➡ айрим манбаларда таъкидланишича, криминалистик тавсиф хусусий методикада ҳар доим ҳам тузилма сифатида ажратилмаганлиги ва унинг мазмуни исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ёритиш давомида баён этилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин, бу фикрга аксарият олимлар қўшилмаган ҳолда, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва криминалистик тавсифни хусусий методиканинг асосий тузилмалари сифатида қарашган. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, тадқиқот жараёнида ушбу ҳолатни илмий жиҳатдан асослаб берамиз.

Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг криминалистик тавсифи дастлабки ва суд тергови жараёнида исботланувчи ҳолатларга нисбатан ёрдამчи сифатида, содир этилган контрабанданинг белгилари ва айрим элементлари ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот тарқатувчи манбалар тизимини ташкил этади. Бу маълумотлар контрабанданинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ҳамда уни содир этган шахснинг тавсифловчи ҳолатларга тааллуқдир. Шу сабабдан исботланувчи ҳолатлар наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг

жиноий-ҳуқуқий тавсифини ўзида акс эттириб, келгуси тергов жараёнини белгилайди ва пировард натижада исбот қилиш предмети вужудга келтиради.

Шу боис бу турдаги контрабандага қарши курашишни тартибга солувчи жиноий-ҳуқуқий норма таркибига, жиноят процесси фанининг исбот қилиш доираси ва предмети асосланган ҳолда, дастлабки ва суд терговда исботланувчи ҳолатлар тизими белгиланади. Буларга:

➡ наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда ҳодисаси (вақти, жойи, контрабандани содир этиш ҳамда унинг оқибатларини яшириш усуллари) ва жиноий тажовуз предмети ва унинг ҳажми;

➡ наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандани содир этган шахснинг айблилиқ даражаси ҳамда бошқа шахсларнинг бу контрабандага алоқаси;

➡ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ҳажми ҳамда унинг контрабандани квалификация қилишга бевосита таъсири;

➡ наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг содир этилиши мумкинлигини аниқловчи оралиқ ҳолатлар;

➡ наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг содир этилишига имкон берувчи ҳолатлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган дастлабки икки ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини очишга имкон беради. Яъни, биринчи ҳолатни исботлаш контрабанданинг объекти ва объектив томони бор ёки йўқлигига оид масалани ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлса, иккинчи ҳолат эса унинг субъекти ва субъектив томонларини аниқлатади. Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган ҳар икки ҳолатни исботлаш, умуман наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш имконини беради.

Энди исботланиши шарт бўлган ҳолатларни бирма-бир кўриб чиқамиз. "Контрабанда ҳодиса"си тушунчаси Жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга зид ҳолда наркотик воситалар ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда контрабанда йўли билан муомалага киритиш

хатти-ҳаракатлари натижасида рўй берган - ижтимоий ҳодиса сифатида таърифланади.

Бизнинг фикримизча, ушбу тушунча ўрганилаётган контрабанданинг турдош объекти ва объектив томонини акс эттирувчи белгиларни ўзида мужассамлаган.

Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг бевосита объекти инсонларнинг соғлиғи, ҳаёти ва ижтимоий аҳволларидан иборат. Чунки, истеъмол қилинган наркотик моддалар инсоннинг физиологик ва руҳий ҳолатларига кучли таъсир кўрсатиш ва издан чиқариш хусусиятига эга. Ваҳоланки, сурункали истеъмол қилинган захри қотил инсоннинг соғлиғини заифлаштиради, охир-оқибатда уни ўлим ёқасига етаклайди. Яна улар инсонни ижтимоий таназзулга олиб келади. Гиёҳвандлар иш жойларини йўқотади, камбағаллашади ва оилани барбод қилади. Шу сабабдан бу турдаги контрабанда кўп объектли бўлиб, инсоннинг саломатлиги асосий бевосита объектлар жумласига кирса, ҳаёти эса қўшимча бевосита объектдир. Ўз навбатида, унинг ижтимоий аҳоли факультатив бевосита объект ҳисобланади.

Контрабанданинг объектига боғлиқ исботланадиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабат;

контрабанда предметининг манбаси;

контрабанда предметининг тури;

контрабанда предметининг (кўп) миқдори;

контрабанда предметининг хусусияти ва инсон организмга таъсир этиш даражаси;

наркотик восита ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш натижасида юзага келган зарарнинг тури ва миқдори;

контрабанда қилинган наркотик восита ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш туфайли инсон организмда юзага келадиган патологик ўзгариш: соғлигининг заифлашиши, хотира ва мушоҳада қобилиятининг пасайиши, тажовузкорлик ҳаракатларининг пайдо бўлиши ва вафот этиши;

контрабанда қилинган наркотик восита ва психотроп моддаларни истеъмол қилган шахснинг ижтимоий таназзулга учраши.

Контрабандани содир этиш ва унинг оқибатларини яшириш усули аниқланган тақдирдагина контрабанда ҳодисаси исботланган деб ҳисобланиши мумкин. Чунки бу ҳол содир этилган контрабанданинг механизмини, шу билан бирга далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнларини аниқлаб беради. Жумладан у, контрабанда объектив томонининг ажралмас таркибий қисмини ташкил қилади. Айнан, шу усуллар жиноий хатти-ҳаракатларни ифодаловчи ҳолатларнинг қуйидаги тизимини белгилайди:

наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандани содир этишга тайёргарлик кўриш (контрабандани содир этиш режасини тузиш, наркотикларни олиш манбаларини ва сотиш учун бозор конъюктурасини ўрганиш, жиноий гуруҳ таркибини аниқлаш ва улар ўртасида вазифаларни

тақсимлаш, контрабанда қуролларини шайлаш, химоя буферларини белгилаш);

контрабанда предметларини тайёрлаш усуллари (кимёвий ёки хонаки, уларнинг турлари, улар қачон, қаерда ва қимлардан олинганлиги);

наркотик восита ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш усуллари (содир этиш вақти, жойи, ва ўтказиш ҳамда унинг изларини яшириш усуллари);

контрабанда қуролларининг турлари (уй-буюм жиҳозлари, транспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, инсон танаси, озиқ-овқат ҳамда саноат моллари, от-уловлар ва шу қабилар);

наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда изларини яширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (чегара ёки божхона масканларидан наркотикларни ўтказиш учун хуфия жойлар тайёрлаш, сохта йўл-транспорт ҳужжатлари, инсон танасининг бўшлиқ қисмлари, почта жўнатмалари, жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бирини лақаби билан аташ, пора эвазига химоя буферлари ёрдамидан фойдаланиш ва бошқалар).

Айнан кўрсатиб ўтилган ҳолатларни чуқур ўрганиш натижасида ушбу контрабандани содир этиш ва оқибатларини яшириш усуллари аниқлаш ва контрабанда ҳодисаси ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот манбаларини топиш имконияти юзага келади.

Юридик адабиётда контрабанда содир этиш жойи ва вақти исботлаш предметининг факультатив ҳолатларига киритилади. Ҳолбуки, улар контрабанда ҳодисасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ваҳоланки, мазкур ҳолатлар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этилаётган муаммода контрабанданинг квалификациясига таъсир этмайди, лекин улар содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг у ёки бу фактлари ишончли эканлиги ҳақида маълумот олишда ёрдам беради.

Контрабанда содир этган ҳамда унга алоқадор шахсларнинг айбдорлигига доир ҳолатларни тадқиқ этишда биз қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

наркотиклар контрабандаси қим томондан содир этилган?

контрабандага алоқадор бўлган шахслар?

содир этилган контрабандада ҳар бир алоқадор шахснинг ўрни?

улардан ҳар бирининг айбини ифодаловчи жиноий хатти-ҳаракатлар таснифи?

Бу саволларга жавобларни тадқиқ этилаётган контрабанданинг субъекти ва субъектив томонига хос хусусиятларини очиш орқали олишга ҳаракат қиламиз.

Ақли расо, 16 ёшга тўлган, махсус белгиси бўлган ёки бўлмаган, жиноят қонунида назарда тутилган ушбу контрабандани ғараз мақсадларда қасддан содир этган шахс-ушбу жиноятнинг субъекти сифатида таърифланади. Амалда, наркотиклар контрабандасининг бу каби субъекти 16 ёшдан анча катта бўлади.

Субъект билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этганда наркотиклар контрабандасининг ҳар бир иштирок-

чисини жиноятда тутган ўрнини (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, ижрочи ва у билан бирга бажарувчи эканлигини) аниқлаш зарур.

➡ контрабанда иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар (ижтимоий демографик, физиологик, психологик ва криминологик);

➡ ҳар бир иштирокчининг контрабанда содир этилишидан аввалги ва кейинги турмуш тарзи;

➡ контрабанда содир этувчиларнинг жиноий фаолият давомида яратган кўчмас мулки ва бойликлари ҳақидаги маълумотлар;

➡ улар жойлашган ер участкаси кимнинг номига расмийлаштирилганлиги, жиноий гуруҳ аъзоларининг ушбу шахслар билан қариндошлик ва бошқа алоқалари;

➡ наркотиклар контрабандасини содир этган шахсларнинг айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар (ЎЗР ЖК 55, 56-м.).

Айнан ушбу ҳолатларнинг аниқланиши контрабандани содир этган шахсларнинг айбдорлиги ҳақидаги масалани судда ҳал қилиш учун асос сифатида қаралади.

Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандани содир этган шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатини квалификация қилишда наркотикларнинг миқдор кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Унинг ҳажми Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган бўлиб, "кўп" миқдорда деб аталади.

Мазкур контрабандани тергов қилиш етарлича тўлиқ бўлиши учун оралиқ ҳолатларни аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, айнан улар наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда содир этилганлигини аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

➡ наркотик восита ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун олиш каналларини норентабел фаолият кўрсатиши (кимё-фармацевтика корхоналари, дори-дармон базалари ва дориҳоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятида фойда кўрмасдан зарарга ишлаши);

➡ айрим мамлакатлар ҳудудидида наркоманлар эҳтиёжини қондириш учун маълум турдаги наркотик воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги;

➡ бошқа мамлакатлар ҳудудидида гиёҳвандлар сонининг кўпайиб бориши;

➡ наркотик восита ва психотроп моддаларнинг муайян бир турига гиёҳвандларда эҳтиёжнинг кучайиши.

Бундай оралиқ ҳолатларнинг аниқланиши тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш учун сабаб, сўнгра эса жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши мумкин.

Наркотиклар контрабандасини содир этилишига имкон берган ҳолатлар ҳақидаги масала амалиёт учун ҳам, назария учун ҳам муҳимдир. Наркотиклар контрабандасини содир этувчи жиноий гуруҳларининг ёки уюшманинг кейинги фаолиятини тўхтатиш ва бу турдаги жиноятларни тарқалишини чеклаш мазкур ҳолатларнинг ўз вақтида бартараф этилишига боғлиқ.

Наркотиклар контрабандасини содир этилишига имкон берадиган ҳолатларга ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар киради.

Биринчисини қуйидагилар ташкил этади:

➡ таркибидида наркотик моддалар бўлган айрим турдаги экинларни ноқулай шароитларга эга минтақаларда етиштириб бўлмаслиги;

➡ айрим мамлакатлардаги гиёҳвандларнинг наркотик воситаларга бўлган эҳтиёжи бошқа мамлакатларга нисбатан юқори бўлганлиги;

➡ наркотик воситаларга талабнинг жиноий таклифдан ортиқлик даражаси.

Иккинчисига қуйидагилар киради:

➡ таркибидида наркотик воситалар бўлган экин майдонларини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини талаб даражада олиб борилмагани;

➡ контрабанда предмети бўлган наркотикларни қонуний айланмасини белгиланган тартибда назорати амалга оширилмагани;

➡ наркотик дори-дармон воситаларининг қонунда белгиланган ҳаракатларини ҳисобга олиш ва улар юзасидан тузиладиган ҳисоботлардаги камчиликлар;

➡ наркотик дори-дармон воситаларининг ҳисоботларини юритувчи бухгалтерия фаолиятидаги камчиликлар;

➡ наркотик дори-дармон воситаларининг инвентаризацияси, аудит текширувини ташкил қилишда йўл қўйилган камчиликлар, уларни ўз вақтида ўтказмаслик, ушбу ҳолларда ваколатсиз (билимсиз) ходимларни юбориш ва бошқалар;

➡ наркотик восита ва психотроп моддалар айланишига алоқадор корхона, муассаса ва ташкилотлар кадрлар аппаратининг моддий жавобгар шахсларни танлаш ва жой-жойига қўйиш фаолиятидаги камчиликлар;

➡ аудит текшируви ўтказувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар ходимларининг наркотик восита ва психотроп моддаларни тиббиётда қўллаш учун ишлаб чиқарувчи кимё-фармацевтика корхоналари, уларни айланмасини амалга оширувчи дори-дармон базалари ва дориҳоналари ҳамда даволаш муассасаларининг молия-ҳўжалик фаолиятини сушт назорат қилишлари;

➡ наркотик дори-дармон воситаларининг сақлалишини яхши назорат қилмаслик;

➡ қатъий ҳисобга олинган ҳужжатларнинг (наркотик дори-дармон воситаларининг кирим-чиқим, рўйхатга олиш ва тақсимлаш дафтарлари) сақлалишини етарли назорат қилмаслик;

➡ жиноий гуруҳ, уюшма аъзоларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари айрим вакиллари билан қўшилиб кетиши.

Шундай қилиб, биз юқорида тадқиқ этган ҳолатларни дастлабки тергов ва суд тергови мобайнида аниқлаш ва уларни исбот қилиш орқалигина наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда фош этилади ҳамда шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланади деб хулоса қилиш мумкин.

Мансур ИБРАГИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Академияси
мустақил тадқиқотчиси



Мақсуд ҚАЛАНДАРОВ,
ИИВ Академияси кафедра
доценти, юридик фанлар
номзоди, доцент

ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЎКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МУОМАЛАСИНИНГ ТУШУНЧАСИГА ОИД МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ:

мақолада қурол муомаласини тартибга соладиган амалдаги халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти материаллари ва юридик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қурол-яроғ (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ўки портлатиш қурилмалари) муомаласининг тушунчасига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: норматив-ҳуқуқий ҳужжат, муомала, қонуний муомала, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари.

АННОТАЦИЯ:

в статье на основе изучения и анализа международного и национального законодательства, судебно-следственных материалов, а также результатов научно-исследовательской работы, проведенной в сфере оборота оружия, разработано авторское определение понятия оборота огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ или взрывных устройств.

Ключевые слова: нормативно-правовые акты, оборот, законный оборот, огнестрельное оружие, боеприпасы, взрывчатые вещества, взрывные устройства.

ANNOTATION:

The article on the bases of studying and analysis of international and national legislation, forensic materials, as well as the results of research work regulating the circulation of weapons, the author's definition of the concept of circulation of firearms, ammunition, explosives or explosive devices is developed.

Keywords: legal acts, circulation, legal circulation, firearms, ammunition, explosives, explosive devices.

Қурол муомаласини тартибга соладиган амалдаги халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти материаллари, ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қурол-яроғ (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ўки портлатиш қурилмалари) муомаласи тушунчасининг таърифи бўйича бир хил ёндашувнинг йўқлиги сабабли уларни амалда қўллаш борасида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Шу боисдан, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ўки портлатиш қурилмалари муомаласи тушунчасига оид масалани тадқиқ қилишда, аввало улардаги таянч мезонлар, атамалар: “муомала”, “қонуний (расмий) муомала”, “ғайриқонуний муомала” каби тушунчаларни илмий таҳлил қилиш талаб этилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “муомала” атамаси “сўзлашув”, “алоқа”, “ўзаро муносабат” деган маъноларга эга. Ёхуд бир буюм ўки ашё муомаласи ҳақида гап кетганда, “олиш, олиб юриб, ишлатиш, айланиб турган буюм” деган маъноларни англатади.

“Қонуний (расмий) муомала деганда эса қонун билан белгиланган, қонунга мувофиқ, қонун билан тасдиқланган алоқа, ўзаро муносабат, айланиш” кабилар тушунилади.

“Қурол муомаласи” тушунчаси илк бор Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон қонунида белгиланган бўлиб, унинг 3-моддасига мувофиқ, “қурол муомаласи – қуролни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, уларни олиб қўйиш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш” тушунилади.

“Қурол муомаласи”га берилган мазкур тушунчада:

биринчидан, қонун чиқарувчи ушбу таърифда умум учун хавфли бўлган ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар ва уларнинг қисмлари билан муомала қилишни чегаралаб, уларнинг доирасини аниқ белгилаб қўйган. Бу предметларга (нарсалар) қурол, унинг ўқ-дорилари, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари киритилган. Бир қарашда, қонун чиқарувчи “Қурол тўғрисида”ги қонунда – қурол турларини (ўқотар, совуқ, сигнал берувчи, улоқтирилувчи, газли, пневматик), унинг ўқ-дорилари, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини қайд этгани маъқул.

Бизнинг фикримизча, мазкур предмет (нарсалар) қаторига портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ҳам киритиш зарур. Чунки, қурол муомаласини тартибга солиш бўйича Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган ҳужжатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247, 248, 249-моддалари ва МЖТКнинг 90¹, 185, 185², 185³, 220, 221, 222-моддаларида ўқотар қурол, ўқ-дорилар билан бирга айнан портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тенг ва бир хил даражада хавфли предметлар сифатида белгиланган. Агарда, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари “Қурол тўғрисида”ги қонунда қурол, унинг ўқ-дорилари, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари билан бир қаторда ўз аксини топганида, ушбу предметлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишда бир хил муносабат ва ягона тартиб-таомилга эришилган бўлар эди.

Айни вақтда, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари муомаласини қонуний тартибга солиш бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслигини инобатга олиб, бизнингча, қонун чиқарувчи орган қонуннинг номини ҳам, “Қурол ва портловчи моддалар” деб ўзгартиришни ёки “Портловчи моддалар тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши билан ҳар иккала ижтимоий муносабатларни, яъни қурол ҳамда портловчи моддалар билан қонуний муомалада бўлишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Россия Федерацияси ва МДҲга аъзо бошқа давлатларнинг жиноят қонун ҳужжатларида, ўқотар қуролнинг асосий қисмларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўқотар қуролнинг асосий қисмлари ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Миллий жиноят қонунчилигидаги мазкур бўшлиқни тўлдириш мақсадида Жиноят кодекси 247 ва 248-моддаларининг номлари ва диспозицияларидаги “ўқотар қурол, ўқ дорилар” деган жумлаларни “ўқотар қурол, ўқ дорилар, ўқотар қуролнинг асосий



қисмлари” деган жумлалардан сўнг киритишни тақлиф этамиз.

Иккинчидан, қонунда ўқотар қурол муомаласининг усуллари, яъни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, уларни олиб қўйиш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ҳаракатлари тарзида таснифланган. Бинобарин, ушбу қонунда қурол, унинг асосий қисмлари ва ўқ-дорилар билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг қайд этилганлигини санаб ўтиш орқали уларнинг муомаласига оид шакллари чегараланган. Ушбу қонунда белгиланган қонуний муомала чегарасидаги тартиб-таомилларнинг жисмоний шахслар томонидан бузилиши муқаррар равишда жиноий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу ҳақида “Қурол тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасида “айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгар бўлишлари” таъкидланган. Жиноий ёки маъмурий жавобгарликка оид қатор нормалар (ЖКнинг 247, 248, 249, 297-моддалари ва МЖТКнинг 90¹, 185, 185², 185³, 220, 221, 222-моддалари) ҳам мавжуддир.

Аммо, қонунда “қурол муомаласи” билан боғлиқ ҳаракат усуллари белгиланганда “таъмирлаш”, “коллекциялаш”, “кўргазмага қўйиш” каби ғайриқонуний ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Қизиги шундаки, Жиноят кодексининг 248-моддаси биринчи қисми матнидаги “жўнатиш”, “олиб ўтказиш” каби жиноятнинг объектив томон белгилари “Қурол тўғрисида”ги қонунда акс этмаган.

Фикримизча, қонундаги бундай кемтик нуқталар ёхуд нуқсонлар амалиётда тушунмовчиликларни келтириб чиқариб, қилмишни (жиноий ёки маъмурий) квалификация қилишда турлича ёндашувларга сабаб бўлади. Жумладан, А. Қ. Худойбердиев тўғри таъкидлаганидек,



“қонун ҳужжатларида учраб турувчи нуқсонлар судлар ва бошқа ҳуқуқни қўлловчи органлар фаолияти учун бирмунча фойдалидир. Чунки, қийин, мураккаб, иш ҳужжатларини кўриш чоғида судлар тўқнаш келган қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқлар судларни ҳар тарафлама ўрганиб, адолат тамойили асосида хулоса чиқаришга, кейинчалик тўқнаш келинган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш учун норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш борасида асосли таклифлар ишлаб чиқилишига сабаб бўлади”.

Мамлакатимиздаги жиноят ҳуқуқи назарияси ва криминологияга оид адабиётларни ўрганиш чоғида олимлар томонидан қурол муомаласига оид масалалар кенг ўрганилмаганлигига гувоҳ бўлдик. М.Х. Рустамбоев XX асрнинг 80 йилларида амалда бўлган қонунчилик бўйича қуролнинг ҳуқуқий тартиботини илмий тадқиқ қилганида, қурол муомаласи тушунчасига аниқ ва алоҳида таъриф бермаган бўлса-да, бироқ ушбу ишни таҳлил қилганимизда М.Х. Рустамбоев “қуролнинг муомаласи сифатида қонунчилик билан ўр-

натилган тартибда ва рухсат бериш тизимининг назорати остида қурол, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, олиш, олиб юриш, сақлаш, фойдаланиш, ўтказиш ва ташиш” тўғрисида фикр юритганлигини хулоса қилиш мумкин.

Қуроллар муомаласи тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот олиб борган хорижлик олимларнинг фикрлари ҳам деярли бир хил эканлигини кўриш мумкин. Чунончи, Э. В. Солоницкая – “қуролларнинг қонуний муомаласи деганда ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат бериш тизимининг ёхуд ҳарбийлаштирилган ташкилотларнинг идоравий назорати остида қонунлар, ҳукумат қарорлари ва ҳарбийлаштирилган бўлимларнинг меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқарилган қуролларни тайёрлаш, сотиш, ўтказиш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, таъмирлаш, ишлатиш ва йўқ қилиш”ни таъкидлайди.

Е.Д. Шелковникова, В.П. Власов ва С.А. Григорянцларнинг фикрича, “қуролларнинг қонуний муомаласи деганда амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган тегишли қоидалар ва чекловлар асосида, қурол, ўқ-дорилар ва патронларни яратиш (ишлаб чиқариш, таъмирлаш, тиклаш) пайтидан бошлаб ёки уларни келгусида сотиш, жўнатиш, сотиш каналлари орқали ўтказиш, истеъмолчи томонидан қабул қилиш ёки экспорт қилишдан олдин ташқаридан (бошқа давлат ҳудудидан) олиб кириш билан боғлиқ барча зарур ташкилий ва техник операциялар асосида уларнинг маълум турларини мамлакат (маълум бир минтақа) ичида ҳаракатланиши (айланиши)дир”.

Бизнинг назаримизда, юқоридаги барча олимлар қурол муомаласи тушунчасига берган таърифларида умумий тарзда унинг учта зарурий белгисини кўрсатганлар:

➔ кўпчилик учун хавфли предметларни аниқ белгилаб берилиши, яъни қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари эканлиги;

➔ қонун ва қонуности ҳужжатлар билан белгиланганлиги, уларга мувофиқлиги ёки уларда ўрнатилган тақиқнинг амалдалиги;

➔ муомала қилиш усуллариининг белгиланганлиги.

Юқорида санаб ўтилган белгилар ўқотар қурол ва бошқа қуроллар учун умумий хусусият ҳисобланса-да, фикримизча, билдирилган фикрлар ўзига хос тўлдирилишни талаб қилувчи камчилклардан ҳам холи эмас.

Масалан, М.Х. Рустамбоев ва Э. В. Солоницкаялар томонидан билдирилган таърифларда муомала қилиш билан боғлиқ ҳаракат усуллари торроқ, Е.Д. Шелковникова, В.П. Власов ва С.А. Григорянцларнинг таърифларида муомала қилиш доираси кенгроқ ифодаланган бўлса-да,

**“Ортиқча сўздан
тилини тиёлмаган
одамнинг жило-
ви шайтон қўлида
бўлади”.**

Замахшарий

аммо, амалдаги Россия Федерациясининг “Қурол тўғрисида”ги қонунида акс эттирилган “тайёрлаш”, “ҳисобга олиш”, “коллекциялаш”, “кўргазмага қўйиш” каби ҳаракатлари ушбу таърифлардан четда қолган.

Шу билан бирга, М.Х. Рустамбоев ва Э. В. Солоницкаялар томонидан берилган таърифларнинг ижобий томони шунда-ки, уларда қуролларнинг муомаласи албатта қонунчилик билан ўрнатилган тартибда, ваколатли органнинг лицензия ва рухсат бериш тизимининг назорати остида бўлиши зарурлигидадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи устидан давлат назорати Миллий гвардия органлари томонидан амалга оширилади. Жанговар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар томонидан, шунингдек ушбу Қонун 12-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Мазкур органлар ва ҳарбий қисмлар томонидан қуроллар устидан етарли даражада назорат ўрнатилмаслиги айрим ҳолларда уларнинг ғайриқонуний муомаласига сабаб бўлади.

Бу ҳақда Ю.В. Загайнованинг билдирган фикри диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, қуролларнинг қонуний муомаласи устидан контрол-назорат тадбирларини бекаму-кўст бажарилиши билан унинг ғайриқонуний муомаласи деярли имконсиз бўлиб қолади ва фақат ягона ҳолатларда қўл бола қуролни яшаш, тайёрлаш, ўтказиш ва ундан фойдаланиш каби ҳаракатларга баъзан йўл қўйилиши мумкин.

Иккинчидан, Е.Д. Шелковникова, В.П. Власов ва С.А. Григорянцлар томонидан келтирилган таъриф диққатимизни ўзига тортди. Бу “қуролларни яратиш пайтидан бошлаб, уларни турли хил шаклларда намоён бўлишидан ва йўқ қилишга қадар бўлган жараён” бўлиши қуроллар муомаласи тушунчасига берилган таърифнинг ютуғидир, чунки муомала қилиш бу муайян ҳаракатлардан бирини амалга ошириш билан чекланмайди, балки бутун жараёндаги ҳаракатларнинг бир бутунлигидир.

Бироқ, ушбу жараёндаги ҳаракат усулларида хаттоки биттаси қонунга хилоф ёки ўрнатилган тақиққа зид равишда амалга оширилишининг ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиддийлигини инобатга олиб, қонунчиликда қуролларнинг ғайриқонуний муомаласига жавобгарликни белгилаш учун етарли асос бўлади.

Учинчидан, Е.Д. Шелковникова ва С.А. Григорянцларнинг таърифида “ҳаракатланиши (ай-



ланиши)” деган иборани қўлланилиши етарлича аниқликни бермайди, қуролларнинг ғайриқонуний сақланиши, яъни ихтиёрида ғайриқонуний тарзда бўлган қуролни ўрнатилган тартибда топширмаслик муомала қилиш тушунчаси доирасидан тушиб қолган.

Юқоридагилар қурол муомаласи тушунчасининг қисқа ва шу билан бирга моҳиятини тўлиқ қамраб оладиган (ҳаракат усуллари сақлаб ўтишсиз, рўйхатсиз) мазмундаги таъриф барча қурол предметларига нисбатан ишлаб чиқирилиши зарурлигини кўрсатади. Бунда муомала доираси чегараланмаган бўлиши керак, чунки келгусида ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган қурол муомаласининг янги усуллари пайдо бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг муомаласи уларни яратишдан бошлаб йўқ қилишга қадар муайян макон ва давр оралиғида мавжуд бўлиши ва ривожланиши ягона жараён сифатида аниқланиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, “Қурол тўғрисида”ги қонунда ва олимлар томонидан “қурол муомаласи”га берилган тушунча, таъриф-у таснифларни мазмун-моҳиятига таянган ҳолда “Қуролларнинг қонуний муомаласи деганда ваколатли давлат органининг лицензия ва рухсат бериш тизимининг ёхуд махсус ташкилотларнинг идоравий назорати остида қонунлар, ҳуқуқ қарорлари ва махсус ваколатга эга бўлган идораларнинг меъёрий ҳужжатлари асосида қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини яратишдан бошлаб, муайян макон ва замон оралиғида уларнинг мавжуд бўлиши, ривожланиши даври ва уларни йўқ қилиши билан боғлиқ барча жараёнлар” тушунилади.



Асқар САФАРОВ,
Жиноят ишлари
бўйича Мўйноқ
туман судининг
раиси

ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ МУАММОЛАРИ

Судлар томонидан жиноят ишлари бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши иш бўйича тўпланган далилларни тўғри баҳолашга бевосита боғлиқ. Далилларни баҳолаш исботлаш жараёнининг муҳим ва мураккаб босқичидир. Жиноят-процессуал кодексига кўра, далилларни баҳолашни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича амалга оширади.

Ички ишончга асосан далилларни баҳолаш деганда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг далилларни баҳолашда бошқа шахслар томонидан таклиф қилинган баҳолашга асосланмаслиги ҳамда далилларни баҳолаш мажбуриятини бошқа шахсга юклаши мумкин эмаслигини англатади. Далилларни ички ишончига кўра баҳолашда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд фақат қонунга амал қилишлари шарт. Бунда қонун деганда фақат Жиноят-процессуал кодекси эмас, балки жиноят-процессига оид бошқа қонун ҳужжатлари, айрим ҳолларда эса бошқа соҳа қонун ҳужжатлари ҳам тушунилади.

Далилларни ўз виждони асосида баҳолаш — бундай баҳолашни нафақат касбий ҳуқуқий онгга бўйсундиришни, балки адолат ва одоб ҳақидаги умуминсоний қадриятлар ва ҳақиқатларга асосланган ҳолда ўзини ахлоқан назорат қилиб баҳолашни ҳам англатади.

Далилларнинг алоқадорлигини баҳолаш.

Далилнинг бу хусусияти иш бўйича исботлаш предметида доир ҳолатлар ҳақидаги маълумотга ўз мазмунида эга бўлишни англатади. Содда қилиб айтганда, далилнинг алоқадорлигини аниқлаш – далилдаги маълумотларни иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар билан таққослашдир.

Жиноят процесси назариясида жиноят ишини судда муҳокама қилиш босқичида далилларни алоқадорлигини баҳолашнинг мезонлари умумий ва бевосита бўлинади. Бунда умумий мезон сифатида Жиноят-процессуал кодексининг 82, 548, 566-моддаларида ва Жиноят кодексининг 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қаралади. Далилларнинг алоқадорлигини аниқлашнинг бевосита мезони бўлиб эса қўйилган айбловнинг фактик ҳолатлари, яъни айбловни тасдиқловчи ёки уни рад этувчи барча маълумотлар ҳисобланади.

Эгри далилларнинг алоқадорлигини баҳолашга суд алоҳида эътибор қаратиши лозим. Тўғри, далилларнинг мазмуни текширилаётган ҳолатга ва айбланувчининг айблилиқ масаласига мувофиқ бўлиши далилнинг алоқадорлигини

аниқлашни осонлаштиради. Эгри далилларнинг алоқадорлигини баҳолашда эса айрим ҳолларда қийинчиликларга дуч келиниши мумкин. Авваламбор, бунинг сабаби ҳар бир эгри далилларга бир неча бирма-бир истисно этувчи тушунтиришлар берилиши мумкин. Бунда жиноят иши кўрилиши давомида иш ҳолатлари ҳақидаги янги маълумотлар таъсирида эгри далилларнинг алоқадорлиги бир неча маротаба ўзгариши мумкин. Эгри далиллар фақат бошқа далиллар билан бирга иш учун аҳамиятга эга бўлади ва бошқа далиллар билан бирга баҳоланиши керак. Шунинг учун, далилнинг алоқадорлигини баҳолашда суд уни иш бўйича текширилган бошқа далиллар билан таққослаб кўриши ва улар билан боғлаши лозим.

Далилларнинг мақбуллигини баҳолаш.

Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддасида далилларни номақбул деб топиш шартлари кўрсатилган. Далилларни номақбул деб топиш жараёни жиноят ишини юритиш босқичига қараб фарқланади. Суд томонидан далилнинг бу хусусиятига баҳо бериши алоҳида аҳамиятга эга, чунки бундай жараёнда хатоликка йўл қўйиш далиллар дефицитига, яъни иш бўйича тўғри қарор қабул қилиш учун далиллар етарли бўлмайд қолиши ва натижада суднинг хатолигига ва адолатсиз ҳукм чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Далилларнинг мақбуллигини баҳолаш бўйича Олий суд Пленуми қарори¹ қабул қилиниб раҳбарий тушунчалар берилганлигига, шунингдек, олимлар томонидан бу йўналишда кўп илмий ишлар ёзилган бўлишига қарамасдан амалиётда далилларнинг мақбуллигини аниқлашда жуда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилади.

Далилнинг мақбуллигига қўйилган талаб Конституциямизнинг 26-моддасида кўрсатилган шахснинг айблилиги судда қонуний тартибда аниқланмагунча у жиноят содир этганликда айбдор ҳисобланмайди деган конституциявий қоидадан келиб чиқади ва жиноят ишининг юритуви қатъий процессуал шаклга риоя қилинишини англатади. Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддасида белгиланган тартибга кўра, қонунга хилоф усул-

лар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда далиллар олинишига йўл қўйилмайди, бундай йўл билан олинган далиллар мақбул эмас ва ЖПК 82-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан бирини исботлаш учун, яъни айблов учун асос сифатида ишлатилиши мумкин эмас.


Ушбу қонданинг талқини қилмишнинг моҳиятини баҳолашга киришмасдан туриб, қонун бузилган ҳолда олинган далилларни мутлақо номақбул деб тан олиниши керак деган хулосани келтириб чиқаради. Бундай қоида далилнинг процессуал шакли нуқтаи назаридан мақбуллигини баҳолаш фақат ушбу далилнинг қонун талаблари бузилиб олинганлигини аниқлаш билан чекланиб қолиш тартибини келтириб чиқаради. Яъни далилни мустаҳкамлашда оддий расмийликда йўл қўйилган камчилик далилнинг мақбуллик хусусиятини бекор қилади. Қонуннинг бундай талқин этилиши судьянинг далилларни баҳолашда ички ишончига амал қилиш принципини чеклайди ва формал баҳолашни келтириб чиқаради. Натижада суднинг қарорини асослайдиган муҳим далиллар формал асослар бўйича чиқариб ташланади.

Далиллар деб фақат қонунда назарда тутилган манбалардан олинган маълумотлар эътироф этилади. Агар маълумотлар қонунда назарда тутилмаган манбалардан олинган бўлса, у ҳолда бу маълумотларни иш бўйича қабул қилинадиган қарорлар учун асос қилиб фойдаланиш мумкин эмас. Бундай маълумотлар: миш-мишлар, оммавий ахборот воситаларидаги мақола, эшитув ва кўрсатувлар, шунингдек, ноошкора тезкор-қидирув фаолияти давомида олинган маълумотлар, башарти улар тергов йўли билан текшириб кўрилмаган бўлса, далил сифатида тан олинмайди.

Жиноят иши бўйича маълумотлар фақат Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ва ушбу кодекс билан тартибга солинган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали олинади. Мазкур тартиб жиноят ишини ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган маълумотларнинг ишончилигини таъминлашга қаратилган.

Далилларнинг ишончилигини баҳолаш.

Далилларни ишончилик нуқтаи назаридан баҳолаш – бу далилнинг мазмунини ташкил этувчи ахборотнинг, яъни фактик маълумотларнинг қанчалик ҳақиқатга мос келишини таҳлил қилишни англатади. Суд томонидан далилларни ишончилик нуқтаи назаридан баҳолаш ҳам жуда муаммоли ва мураккаб жараён. Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида назарда тутилган ҳақиқатни аниқлаш принципи, мазкур кодекснинг 414, 415, 416 ва 417-моддаларига киритилган кейинги ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, жиноят ишини судда кўришнинг асосий



мақсади эмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун “далил ишончилиги” тушунчасини илгаридек, “ҳақиқат” тушунчаси орқали очиб бериш қийин бўлади. Бунда бошқа ёндашув талаб қилинади. Яъни, суд муайян далилларнинг ишончли эканлигини аниқлаш учун уни объектив ҳақиқат билан эмас, балки ишдаги бошқа мавжуд далиллар билан таққослаши керак. Шунга кўра, далилнинг бошқа далиллар билан рад этилмаслиги унинг ишончилиги тўғрисида баҳо беришга асос бўлади. Бундай ёндашув орқали далилнинг ишончилигига баҳо беришга, суд муҳокамасида етарли миқдорда бошқа далиллар ўрганиб бўлинганидан кейин йўл қўйилиши мумкин. Бу ҳолатда мантиқ фанининг “ҳар қандай етарли асосга эга мулоҳаза ҳақиқат деб топилиши мумкин” деган етарли асос қонуни ишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят иши бўйича далиллар деб қонунда кўрсатилган манбалардан олинган ва жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга оид фактик маълумотларга айтилади. Ушбу қоида амалий аҳамиятга эга, унинг ёрдамида жиноят ишидаги ҳар қандай материалнинг далилий аҳамиятини аниқлаш мумкин ва ушбу қоидада келтирилган хусусиятлардан бирининг йўқлиги маълум бир материал, ҳужжат ёки ашёни далил эмаслигини кўрсатади.

Қонунда далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончилиги ва етарлилиги бўйича аниқ бир тушунчаларнинг йўқлиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар орасида далилларга баҳо бериш нормаларини ҳар хил талқин қилинишига ва натижада ишни ҳал қилишда қийинчиликларга олиб келмоқда. Далилларнинг мақбуллиги бўйича Олий суд Пленуми қарори билан тушунтиришлар берилгани каби, далилларнинг бошқа хусусиятларига ҳам баҳо бериш бўйича шундай тушунтиришлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори.



Акмал Муродов,
Навоий вилоят маъмурий судининг раиси

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Ҳозирги кунда Маъмурий суд ишларини юритишда қуйида келтириладиган айрим муаммолар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 186-моддаси биринчи қисмига кўра, агар ушбу Кодекسدa ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларига кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундан кўринадики, низо маъмурий суд томонидан кўриладиган бўлса, унда судга мурожаат қилишнинг уч ойлик муддати қўлланилади. Агар қўшимча талаб бўлиб, бу талаб фуқаролик

ишлари бўйича судга кўриладиган бўлса, унда маъмурий судга тааллуқли талабга ўз-ўзидан уч йиллик муддат қўлланилади.

Айнан бир хил низо бўйича маъмурий судда талаб шикоят шаклида мурожаат қилинса, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси шаклида мурожаат қилинади.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонун талабларидан ўринли савол туғилади. Нима учун маъмурий ва фуқаролик судига тааллуқли бўлган талаб бирга келганда фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилади-ю, иқтисодий судга тааллуқли талаб билан маъмурий судга тааллуқли талаб бирга кўрилиши мумкин эмас?

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 86¹-моддасига кўра, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда давлат ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Давлат ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Ушбу қонун талаби ҳозирги кундаги суд ишларини юритишнинг процессуал талабларига мос келмайди. Чунки, давлат ижрочисининг ҳар қандай қарори, хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан бериладиган шикоятлар маъмурий суднинг судловига тааллуқли ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган қонун талаби бўйича эса, ҳозирги кунда иқтисодий судлар томонидан берилган ижро варақалари бўйича қўзғатилган



ижро иши юзасидан қабул қилинган давлат ижрочисининг қарори иқтисодий судларда низолашилаётган бўлса, айнан шу ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси томонидан амалга оширилган ҳаракатлар маъмурий судларда низолашиб келинмоқда.

🔗 Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига мувофиқ ижро варақаси фақат пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маъмурий судлар томонидан берилади. Бошқа ажримлар (қарорлар) мажбурий ижрога тақдим этилмайди. Сабаби судлар, томонидан улар бўйича ижро варақаси берилмайди, маъмурий суднинг ажрими (қарори) ижро ҳужжати ҳисобланмайди.

Кўриниб турибдики, маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатларининг нормал ижро этилишига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий қоллизия оқибатида кўпгина ҳужжатлар ижро этилмаяпти. Бу суд ишларида иштирок этадиганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини хавф остида қолдирмоқда. Масалан, олиб қўйилган ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк эгалари уларга тенг қийматдаги мол-мулк берилишини суд тартибида талаб қилганларида, ҳатто қўлларида ўз фойдаларига чиқарилган суд қарори бўлган тақдирда ҳам бунга эриша олмаётдилар.

Маъмурий суд ишларини юритишдаги бундай муаммоларни кўплаб келтиришимиз мумкин бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммолар юзасидан қуйидаги таклифлар билдирилади:

★ Маъмурий судга мурожаат қилиш муддатини қайта кўриб чиқиш.

★ Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларини бир-бирига мувофиқлаштириш.

★ "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 86¹-моддасини янги таҳрирда қабул қилиб, бунда давлат ижрочисининг ҳар қандай қарори устидан бериладиган шикоятлар маъмурий судга тааллуқли эканлиги ҳақидаги қоида киритиш.

★ Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига маъмурий суд томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай мулкӣ ва номулкӣ тусдаги ҳал қилув қарорлари бўйича ижро варақасини бериш ҳақидаги қоида киритиш.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДДА ИШНИ КЎРИШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг 28-моддасида Конституциявий судда иш кўриш асослари белгиланиб, унда Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг мурожаати, шунингдек фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг шикоятлари Конституциявий судда ишларни кўриш учун асос бўлиши белгиланган.

Конституциявий суд мажлисида кўриладиган ишлар юзасидан берилган мурожаатлар албатта Конституциявий қонуннинг 4-моддасида белгиланган Конституциявий суд ваколати доирасига киритилган масалалар юзасидан бўлиши шарт.

Янги қонунда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилиб, субъектлар қаторига киритилган – Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмида белгиланган фуқаролар ва юридик шахсларга фақат муайян ишда қўлланган қонун билан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди.

Олдинги қонунда фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганларида, мурожаат юзасидан Конституциявий суднинг уч судьяси томонидан масалани Конституциявий суд мажлисига киритиш белгиланганлиги ҳолати ўрнига энди тўғридан-тўғри фуқаро ва юридик шахслар судга фақатгина уларнинг фикрича, қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлсагина қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

Бу ерда фуқаро ва юридик шахсларнинг Конституциявий суд ваколатига киритилган бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи чегараланганми деган ўринли савол вужудга келади.

Бундай ҳолларда фуқаро ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаатларни Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар орқали келтиришлари мумкин.

Берилаётган мурожаат ёзма ёки электрон шаклда юборилиши лозим. Электрон шаклда юборилган мурожаат электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ф.ҚАЮМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси



Зафарбек ТУРСУНОВ,

Бош прокуратура Академияси
катта ўқитувчиси

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА УЙ ҚАМОҒИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

амалиётдаги таҳлиллар уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Суд амалиётида уй қамоғини қўллаш билан боғлиқ “тақиқлар” ва “чекловлар” тушунчалари ўртасида аниқ чегара ўрнатилмаган. Шунга кўра муаллиф қонундаги ушбу бўшлиқларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига аниқлаштирувчи қўшимчалар киритишни таклиф этган.

Калит сўзлар: эҳтиёт чораси, уй қамоғи, тақиқлар ва чекловлар ўрнатиш, уй қамоғи қўллашнинг механизми, уй-жой, алоқа воситалари, мулкдор, ижарага олувчи.

АННОТАЦИЯ:

на основе анализа практики применения меры пресечения в виде домашнего ареста выявлены проблемы и недостатки правового регулирования данной меры пресечения. Понятия «запреты» и «ограничения» по отношению к домашнему аресту не всегда разграничиваются в судебной практике. В этой связи автор статьи предлагает уточняющие дополнения в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

Ключевые слова: мера пресечения, домашний арест, установление запреты и ограничений, механизм применения домашнего ареста, жилое помещение, средств связи, собственник, наниматель.

ANNOTATION:

Based on the analysis of the practice of applying a preventive measure in the form of house arrest, problems and shortcomings of the legal regulation of this preventive measure were identified. The concepts of “prohibitions” and “restrictions” in relation to house arrest are not always distinguished in judicial practice. In this regard, the author of the article proposes clarifying additions to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: preventive measure, house arrest, establishment of prohibitions and restrictions, the mechanism of applying house arrest, living quarters, means of communication, landlord, tenant

Уй қамоғи – эҳтиёт чораси тури бўлиб, унга кўра гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёши, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамокқа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда суд томонидан қўлланилади.

Бунда уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат бўлади ва ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга муайян шахслар билан алоқада бўлиш; хат-хабар олиш ва жўнатиш; ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш; уй-жойни тарк этишда ифодаланган тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин¹.

Маълумки, эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 237-моддасига асосан, эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; уй қамоғи; қамокқа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтининг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

Мавжуд ҳисоботларга кўра, биргина жорий йилнинг январь ва февраль ойлари давомида тергов органлари томонидан судларга жами 51 нафар (шу жумладан, бир нафари вояга етмаган) айбланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимосномалар киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 8 таси прокуратура, 42 таси ички ишлар органлари, 1 таси давлат хавфсизлик хизмати терговчиларининг иш юритувидаги жиноят ишларига тааллуқлидир. Уй қамоғида сақлаш учун судга юборилган илтимосномаларнинг 1 таси суд томонидан рад қилиниб, шахс судда уй қамоғидан озод қилинган².

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Россия империяси қонун ҳужжатларида уй қамоғи дастлаб “Жиноий жазолар ва уларни ижро этиш уложения (қоидалари)си” ҳамда 1864 йилдаги “Жиноий суд ишларини юритиш Устави”да ўз аксини топди. Ўша пайт ушбу эҳтиёт чораси суд ёки маъмурий органнинг ташаббуси билан қисқа муддатли қамоқ жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этганликда айбланган дворянлар ва амалдорларга татбиқ этилган.

Собиқ СССР даврида уй қамоғи кенг қамровда қўлланилиши бошланди. 1923 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида уй қамоғи эҳтиёт чораси ўз ўрнини топди, бироқ 1960 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексидан ушбу эҳтиёт чораси чиқариб ташланди. Қолаверса, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси (КГБ) томонидан уй қамоғи мажбурий изоляция сифатида мавжуд сиёсий тузумга ёт қарашлари билан ажралиб турган, ўзгача фикрловчи шахсларга нисбатан қўлланилиб келинди³.

Ҳозирги кунда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги суднинг ажримида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган озодлик бўйича аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назорат ички ишлар органларининг проба-ция хизмати томонидан амалга оширилмоқда.

Уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Қонун талабига кўра, уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган

турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилади. Шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарорда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган озодлик бўйича аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган кўрсатилади.

Суднинг ажримига биноан ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

- муайян шахслар билан алоқада бўлиш;
- хат-хабар олиш ва жўнатиш;
- ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;
- уй-жойни тарк этиш.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячи, қонуний вакил, белгиланган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд билан сўзлашиш учун, шунингдек зарурият юзага келган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, тез тиббий ёрдамни, ёнғин хавфсизлиги хизматини, кутқарув хизматини ва бошқа шошилинч хизматларни чақириш учун телефон алоқасидан фойдаланиш ҳуқуқидан чекланиши мумкин эмас. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки



судланувчи ўз яшаш жойидаги уй қамоғини ижро этиш зиммасига юклатилган ички ишлар органига ҳар бир шундай кўнғироқ ҳақида хабар беради.

Қамоққа олинганнинг яшаш жойи кўриқланиши мумкин. Зарур ҳолларда унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан назорат амалга ошириладиганда ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли.

Қонунга биноан текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан электрон кузатиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Уй қамоғини ижро этиш гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органи зиммасига юклатилади.

Агар тиббий кўрсатувларга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, суд ўрнатган тақиқларнинг (чекловларнинг) амал қилиши гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласи прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи суд томонидан ҳал этилгунига қадар давом этади. Тегишли соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳудуди уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш жойи ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи суриштирув органига ёки дастлабки тергов органига, шунингдек судга назорат қи-

лувчи органнинг транспорт воситасида олиб борилади.

Уй қамоғида жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйилган шароитда бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлари ушбу эҳтиёт чораси ижро этиладиган жойда ўтказилади.

Ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) уй қамоғида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.


Умуман, уй қамоғи – шахснинг эркин ҳаракатланишини чеклашда ифодаланадиган эҳтиёт чорасидир. Ушбу эҳтиёт чораси мазкур шахс қонуний асосларга кўра доимий истиқомат қиладиган турар жой доирасида ижро этилади. Одатда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг муқобил варианты ҳисобида танланади. Ҳуқуқий давлатда уй қамоғи суд томонидан қўлланилади.

Жаҳон миқёсида 2020 йил бошларида COVID-19 билан боғлиқ вазият туфайли юзага келган пандемия шароитида ҳам шахсга уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашда пайдо бўлиши мумкин бўлган мураккабликларга барҳам бериш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, АҚШда шахсга нисбатан қўлланилган уй қамоғини амалга ошириш технологиясини, шу жумладан оёқ тўпигига ўрнатиладиган браслетни ҳам коронавирус инфекциясини ташувчи шахсларни ҳаракатланишини чеклаш мақсадида мониторинг қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Таҳлиллардан кўринишича, уй қамоғи эҳтиёт чораси МДҲга аъзо қатор мамлакатларнинг (Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Украина ва Россия) жиноят-процессуал кодексларида мавжуд.

Уй қамоғи эҳтиёт чораси фақат суднинг қарори билан (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон Республикалари ЖПК); жиноий таъқибни амалга оширувчи судья ёки суд инстанциясининг қарорига кўра (Молдова ЖПК); тергов судьясининг қарори ёки суд қарорига асосан (Латвия ЖПК); терговчи ёки прокурорнинг назорат қилувчи прокурор, шунингдек суднинг розилиги асосида чиқарилган қарорига биноан (Қирғизистон ЖПК); прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан белгиланган ҳуқуқий чекловлар асосида ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси, Давлат контроль қўмитаси раиси ўринбосари ёки уларнинг вазибаларини бажарувчи мансабдор шахслар томонидан (Беларусь ЖПК) амалга оширилиши мумкин.

Украина Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси:



ишни судга қадар юритиш чоғида – терговчининг прокурор розилиги олинган илтимосномаси ёки прокурор илтимосномасига асосан тергов судьясининг қарорига мувофиқ; суд муҳокамаси жараёнида – прокурорнинг илтимосномасига асосан суд томонидан қўлланилади⁴.

Ҳозирда уй қамоғини қўллаш жараёнида кўпгина муҳим омилларни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Масалан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида суд ажрида ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсни муайян шахслар билан алоқада бўлишни тақиқлаш кўрсатиб ўтилсада, аммо айнан қайси тоифадаги шахслар билан ўзаро муносабатда бўлишларига аниқлик киритилмаган. Интернет тармоғи орқали хат-хабарлар олиш ва жўнатишни назорат қилишнинг процессуал тартиби белгиланмаган, қолаверса, уй қамоғида бўлган шахснинг меҳнат ва бандлиги ҳамда моддий таъминоти (масалан, озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан таъминланиши) билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмасдан қолган.

Танланган ҳар қандай эҳтиёт чораси – вақтинчалик ҳодиса бўлиб, айниқса шахснинг эркинлиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган бўлса муайян муддатга белгиланган бўлиши керак. Зеро, уй қамоғининг муддатлари аниқ бўлиши ва ўтқир зеҳн билан белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик адабиётларда ёритилишича, уй қамоғи – бу қамоқ эҳтиёт чорасининг муқобил шакли бўлиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг чеклов ўрнатилган маконда жамиятдан ажратилган ҳолатда мажбурий жойлашуви бўлиб, номуайян доирадаги шахслар билан ўзаро мулоқотни ва эркин ҳаракатланишни имкони йўқлиги билан характерланади⁵.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида судья шахсга нисбатан уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашда ушбу эҳтиёт чораси танланган шахснинг турар жой биносида тақиқлар ёки чекловлар ўрнатилган ҳолда сақланишида хонадонда яшовчи бошқа шахсларнинг (оила аъзолари, яқин қариндошлари ва бошқалар) розилигини олиш ёки олмаслик масалалари кўрсатиб берилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғининг 8.9-бандида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарор судга



юборилаётганда илова қилинаётган ҳужжатларнинг нусхалари билан бир қаторда турар жой мулкдори ва унда доимий рўйхатда туриб, яшаб келаётган вояга етган шахсларнинг розилик хати каби ҳужжатлар нусхалари илова қилиниши лозимлиги белгилаб берилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддасида ўзига нисбатан уй қамоғи қўлланилган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган тақиқ ёки чекловлар кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, чекловлар вақтинчалик, тақиқлар эса доимий характерга эга бўлган чоралардир. Лекин жиноят-процессуал қонунчилигида уй қамоғи билан боғлиқ “чекловлар” ёки “тақиқлар” терминлари ўртасидаги тафовут чегараси кўрсатиб ўтилмаганлиги сабабли ушбу терминлар суд қарорларида деярли синоним бўлиб ўтмоқда⁶.

Хулоса қилиб айтганда, қонундаги ушбу бўшлиқларни тўлдириш ва уларга амал қилиш судда ишларни кўришни эркинлаштириш асосларини бевосита мустаҳкамлайди ва суднинг жиноят ишини ҳал этиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосли ҳукм чиқариш функциясини амалга оширишга имкон яратувчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. 157-164
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ягона ҳисоботлар портали
3. Ru.m.wikipedia.org/wiki/
4. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. /www.continent-online.com/
5. А.П.Дьяченко. Домашний арест как инструмент реализации уголовной политики (сравнительный анализ законодательного опыта России и зарубежных государств). Труды Института государства и права РАН. 2014/3, стр.112.
6. Шигурова Е.И., Галыгина Т.Ю. Домашний арест: проблемы теории и практики применения действующего законодательства. ФГБОУ ВО «МГУ им.Н.П.Огарёва». Научная-электронная библиотека “eLIBRARY”.2016/08



**Жамшид
ИБРОҲИМОВ,**
юридик фанлар
бўйича фалсафа
доктори (PhD)

ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ

Терроризмнинг ҳар қандай шакли XXI асрга келиб, кўлами ҳамда ижтимоий-сиёсий ва руҳий оқибатлари бўйича энг жиддий ва оғир халқаро муаммога айланиб улгурди. Терроризм зўравонлик ёки уни қўллаш таҳдидининг энг жирканч ва ҳуқуққа хилоф шаклини ўзида қамраб олган ҳолда аниқ сиёсий мақсадларга эришиш учун рақибларига қўрқув уйғотадиган салбий ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Австралиянинг Сидней Иқтисодиёт ва тинчлик институти (The Institute for Economics and Peace – IEP) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Терроризм глобал индекси” маълумотларига кўра, 2018 йилда терроризм 16 мингга яқин шахс ҳаётига зомин бўлган. Бунда террорчилик ҳаракати оқибатида камида бир нафар шахс ҳалок бўлган давлатлар сони 67 тадан 71 тага ортганлиги ушбу жиноятнинг географияси ҳам ортиб бораётганлигидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткич сўнгги 20 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда.

IEP томонидан 2020 йил якунлари бўйича эълон қилинган маълумотда террорчилик қурбонлари сони дунё бўйича 2014 йилга нисбатан 59 фоизга қисқарганлиги, бироқ, ғарбий мамлакатларда вазият таҳликали сақланиб қолинаётганлиги айtilган. Ғарб 1970 йилдан буён терроризм билан боғлиқ ўлим даражаси энг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолмоқда. Хусусан, Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Океанияда ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 250 фоизга ошиб кетган [1].

Россия Федерациясида 2020 йилда террорчилик хусусиятига эга бўлган жиноятлар 30 фоизга ортиб, 2342 тани ташкил этган. Шу билан бирга террорчилик хусусиятига эга жиноятларни содир этишда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш фаоллиги 1,5 маротабадан кўпроққа ошган [2].

Терроризм учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларга оид иккинчи бўлимида белгиланган. Унга кўра, терроризм бу тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига мансуб.

Терроризм жиноятининг тушунчаси миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 155-моддасида ҳамда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонунларда баён этилган терроризм тушунчаларининг ўхшаш ҳамда бир-бирдан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. Хусусан, терроризмнинг мақсади сифатида Жиноят кодексининг 155-моддасида “халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш” назарда тутилган

бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида эса, “сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш, халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини қўрқитиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш” назарда тутилган. Бошқача айтганда, ЖК 155-моддасида терроризмнинг мақсади аниқроқ, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунда эса, мавҳумроқ қилиб белгиланган. Хусусан, қонундаги “бошқа мақсадларга эришиш” дегани терроризм жиноятини квалификация қилишдаги зарурий белгилардан бири бўлган жиноят мақсадининг ролини аниқ ифодаламайди.

Ушбу қонунларда терроризм жиноятини содир этиш мотиви ҳам турлича баён қилинган: ЖКда “давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш”, Қонунда эса, терроризм жиноятининг мотиви кенгроқ баён қилиниб, уларга “шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқариш, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилиш” ҳам киритилган.

Бизнинг фикримизча, қонунлардаги мазкур тафовутлар терроризмни тушуниш ва амалиётда уларга қарши курашиш бўйича фаолиятини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, мазкур қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига ЖК 155-моддасидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг 155¹-моддасида (“Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик”) “террорчилик хусусиятига эга жиноят” тушунчаси қўлланилган. Ушбу модда мазмунидан террорчилик хусусиятига эга жиноят деганда Жиноят кодексининг 11 та моддасида – 155 (Терроризм), 155² (Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш), 155³ (Терроризмни молиялаштириш), 158 (Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш), 159 (Ўзбекистон

Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш), 161 (Қўпоровчилик), 242 (Жиноий уюшма ташкил этиш), 245 (Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш), 254 (Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), 255¹ (Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш) ва (ёки) 264-моддаларида (Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш) назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

Айнан терроризм ва террорчилик хусусиятига эга жиноятлар жамият хавфсизлигига хавф туғдиради, кўп сонли қурбонларга, катта моддий зарарга сабаб бўлади, давлатдаги вазиятни беқарорлаштиради, салбий маънавий ва руҳий муҳитни яратади, ваҳима кўзғатади, фуқароларнинг ҳаёти учун қўрқув туйғусини келтириб чиқаради [3].

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларни уларни содир этишнинг мақсадига кўра икки турга ажратиш мумкин: терроризм билан боғлиқ бўлган махсус мақсадга эга бўлган жиноятлар (давлатни, халқаро ташкилотларни, жамоат бирлашмаларини ва шахсларни қарор, хатти-ҳаракатларга ёки бирон-бир хатти-ҳаракатдан тийишга мажбур қилиш; бирон-бир фаолиятни тўхтатиш ёки ўч олиш; зўрлик билан босиб олиш, ҳокимиятни сақлаб қолиш, конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни бузиш); терроризм билан боғлиқ бўлган алоҳида мақсадларга эга бўлмаган жиноятлар [4].

Я.А.Мищенко таъкидлашича, Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Европа конвенциясининг (1977 йил) 2-моддасида ушбу Конвенциянинг 1-моддасида назарда тутилмаган бошқа ҳаракатлар ҳам, башарти, улар шахс ҳаётига, соғлиғи ёки эркинлигига жиддий тажовуз қилиши, мулкка зарар етказиши, одамлар учун умумий хавф туғдириши мумкин бўлса терроризм сифатида баҳоланиши мумкинлиги назарда тутилган. Шу муносабат билан тадқиқотчи мазкур қоида “террорчилик хусусиятига эга жиноятлар” тушунчасини муомалага киритишни тақозо этишини қайд этади.

Ҳозирги вақтда террорчилик хусусиятига эга жиноятлар тушунчасини аниқлашнинг долзарблиги юқоридаги нормаларни амалда қўллашда ушбу жиноятларнинг квалификация қилишдаги мураккаблик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турли хатоларнинг олдини олиш билан узвий боғлиқ. Зеро, террорчилик хусусиятига эга жиноятлар чек-чегарасиз бўлиши мумкин эмас ҳамда ўзининг аниқ мезонларига эга бўлиши зарур. Террорчилик хусусиятига эга жиноятларга терроризм хусусиятига эга бўлган, жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган ва одамлар учун умумий хавф туғдирадиган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган қилмишларни киритиш лозим [5].

Бу борада П.Н.Фещенко “башарти ҳокимият вакили шахсий гараз, кўролмаслик, душманлик ёки бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра зўрлик жабрланувчиси бўлса, бу мазкур қилмишни террорчилик хусусиятига эга жиноятлар таркибидан чиқаради. Агар бундай шахсга

ҳужум қилиш фақат терроризм мақсадларига эришиш учун билвосита усул бўлса, унда террорчилик хусусиятига эга жиноятларга тегишли модда бўйича жазо қўллаш лозим. Шундай қилиб, террорчилик хусусиятига эга жиноятларни квалификация қилиш учун уларнинг субъектив томони, биринчи навбатда, террорчилик мақсадларининг бевосита мавжудлиги катта аҳамиятга эга” [6], дейди.

А.В.Новиков эса, террорчилик хусусиятига эга жиноятларни ўрганиш, шу жумладан терроризмга оид жиноят ишлари бўйича муайян суд ҳужжатлари таҳлили бир қатор хулосаларни бирлаштиришга имкон беришини қайд этади. Унинг фикрича, терроризм ҳаракати, терроризм фаолиятига кўмаклашиш, террорчилик фаолияти ёки терроризмни оммавий оқлашга даъват қилиш, терроризмга тайёргарлик кўриш, террористик гуруҳ ташкил этиш ва унда иштирок этиш, террорчилик ташкилоти фаолиятини ташкил этиш ва бундай ташкилот фаолиятида қатнашиш, гаровга олиш, ноқонуний қуролли уюшма ташкил этиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш, самолёт ёки темир йўл транспортини ўғирлаш жиноятлари терроризм билан боғлиқ жиноятлар сирасига киради [7].

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида террорчилик хусусиятига эга жиноятлар тушунчаси ва таркиби қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги ҳамда бу борада юридик адабиётларда турли-туман фикр ва мулоҳазалар билдирилганлигини таъкидлаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, террорчилик хусусиятига эга жиноятлар деганда терроризм жиноятини содир этилишини осонлаштириш, қулай шарт-шароит яратиш, шахсда террористик ҳаракатларни содир этиш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш, мазкур жиноятларга қарши кураш ва олдини олиш имконини чеклашга қаратилган, шунингдек, терроризм элементларига эга бўлган жиноий қилмиш тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Глобальный индекс терроризма” говорит о росте правового террора // <https://www.dw.com/ru/>;
2. МВД сообщило о росте на треть связанных с терроризмом преступлений // www.vedomosti.ru/society/news/2021/01/21/854919-mvd-soobschilo-o-roste-na-tret-svyazannih-s-terrorizmom-prestuplenii-v-2020-godu.
3. Курс уголовного права: В 4 т. Т. 4: Особенная часть. / Под ред. Г.Н. Борзенкова и В.С. Комиссарова. – М., 2002. – С. 208.; Ситникова А.И. Преступления с террористической направленностью в условиях глобализации: текстологический аспект // Научные основы уголовного права и процессы глобализации: Материалы V Российского конгресса уголовного права, 27–28 мая 2010 г. – М., 2010. – С. 838.
4. Трофимов Д.С. Современное состояние борьбы с преступлениями террористического характера: аналитический обзор. – Саратов: Наука, 2013. – С. 25.
5. Мищенко Я.А. Некоторые проблемы квалификации преступлений террористического характера // Научные исследования. – 2016. – № 2 (3). – С. 37-40. 7-40.
6. Фещенко П.Н. К вопросу об основаниях и процедуре установления уровней террористической опасности в России // Российский следователь. 2014. № 12. С. 36-39.
7. Новиков А.В., Карпов А.А., Кочедыков С.С. Преступления террористического характера: особенности квалификации // *Matters of Russian and International Law.* – 2017. – Vol. 7. – С.217.



Авазбек ПАЙГАМОНОВ,

Чирчиқ туманлараро

иқтисодий суди судьяси

ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ



Жасур АБИДОВ,

Хўжаобод туманлараро

иқтисодий судининг раиси

Ҳар бир манфаатдор шахс қонунийлиги ва асослилиги шубҳа тўғрисида қандайдан суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилиниши талаб қилиши мумкин. Мазкур жараёнда юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклашда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институтининг аҳамияти беқиёс. Мазкур институт судлар томонидан ишни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланмаганлиги туфайли йўл қўйилган бир томондан қонуний, адолатли бўлган, лекин, иккинчи томондан етарли даражада асосланмаган суд қарорларини тўғрилашнинг кенг имкониятларини, яратди. Энг муҳими, иқтисодиёт соҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш мумкинлигига ишонч тўғрисида янада оширади.

Юридик адабиётларда ҳам процессуал ҳуқуқнинг мазкур институти тўғрисида бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Ш.Шорахметов фикрича, бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўймайди¹.

Янги очилган ҳолатларнинг муҳим аломатларидан бири унинг иш учун аҳамиятлилигидир. Олимларнинг фикрича, янги очилган ҳолатларнинг аҳамиятлилиги шунда-ки, бу ҳолатларнинг очилиши иш бўйича дастлабки ҳал қилув қарорининг ҳаққонийлигини рад этади² ёки унинг ноқонунийлиги, асосизлиги ёки нотўғрилигини англатади³.

Бизнингча, суд ҳужжатларининг янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши суд ҳужжати нотўғри эканлигини англатмайди. Бундай ҳолга фақатгина дастлабки суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилган суд ҳужжати билан солиштирилганда келиш мумкин.

Янги очилган ҳолатлар учун яна бир муҳим аломат – бу ушбу ҳолатларнинг суд ҳужжати эълон қилинганга қадар мавжуд бўлганлигидир. Яъни, янги очилган ҳолатларнинг қайтадан очилиши дастлабки чиқарилган суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади. Айнан, ушбу таҳлил қилинаётган институтда иқтисодий процессуал қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар қайтадан очилади, чунки улар амалда ишни кўриш жараёнида мавжуд бўлган.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК) 327-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари суд ҳужжати эълон қилинганга қадар мавжуд бўлиши керак. Агарда, янги очилган ҳолатлар суд ҳужжатлари қонуний кучга киргандан сўнг пайдо бўлган бўлса, бундай ҳолатда манфаатдор шахслар судга таҳлил қилинаётган институт нормалари асоси-

да эмас, балки суд ҳужжатларини қайта кўриш талаби билан мурожаат қилади.

Кейинги янги очилган ҳолатлар учун ўзига хос бўлган аломатлардан бири – бу уларнинг мавжудлиги суд ва аризага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра маълум бўлмаганлигидир. Янги очилган ҳолатларнинг аризачи ва судга номаълумлиги фақатгина аризачи ва суднинг билиши мумкинлиги ҳолатидан ангилашмайди, чунки янги очилган ҳолатларнинг номаълумлигига бошқа шахсларнинг жиноий оқибатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир муҳим ва янги очилган ҳолатларни бошқа ҳолатлардан фарқловчи аломатлардан бири – бу суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин ушбу ҳолатларнинг аён бўлганлиги. Агарда ушбу ҳолатлар суд ҳужжати қонуний кучга кирганига қадар аниқланса, ушбу жараёнда аниқланган ҳолатлар таҳлил қилинаётган институтда кўриш учун асос ҳисобланмайди.

Ҳозирги кунда ишларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришдаги муаммо ИПКда ушбу институтни тартибга солувчи бобда янги очилган ҳолатлар тушунчасининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар бу – суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачи ва судга маълум бўлмаган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг қайтадан очилиши натижасида дастлаб қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган далилларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига солувчи юридик далиллардир.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриш институтининг процессуал жиҳатлари ИПКнинг “Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш” деб номланувчи 37-бобида ёритилган.

Шу ўринда, ИПКнинг рус тили таҳриридаги 37-бобида эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу боб “Производство по пересмотру вступивших в законную силу судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам” деб номланиб, унинг нормаларида ҳам “вновь открывшиеся обстоятельства” тушунчалари қўлланилган.

Рус-ўзбек тилидаги луғатларга назар ташласак, “вновь” сўзи “қайтадан”, “янгитдан”, “қайта” деган маъноларни англатишини кўришимиз мумкин⁴. Бизнингча, иқтисодий процессуал қонунчиликда “янги очилган ҳолатлар” ўрнига “қайтадан очилган ҳолатлар” жумласини ишлатиш тўғри бўлади деган фикрдамыз. Чунки, “янги очилган ҳолатлар” деганда, суднинг иш кўриш жараёнида мавжуд бўлмаган ва фақат суд ҳужжати эълон қилингандан кейин пайдо бўлган ҳолатларни тушуниш керак. Бинобарин, ишларни янги очилган ҳолатлар (амалда қайтадан очилган ҳолатлар) бўйича қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар суд ишни кўришда мавжуд бўлган, аммо ўша пайтда суд ва аризачига маълум бўлмаган бўлиши талаб этилади.

Қайта очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) қоидага кўра, иш бўйича исботлаш предметининг таркибий қисмини ташкил этиб, суд ҳужжатларини қайта кўриш учун асос бўлган ҳолатлар янгидан ва ўзгарган ҳолатлар эмас, балки қайтадан очилган бўлиши керак⁵.

Юқоридагиларга кўра, иқтисодий процессуал қонунчиликка “янги очилган ҳолатлар” жумласини “қайтадан очилган ҳолатлар” жумласи билан алмаштириш таклифини билдирамиз.

Пленум қарори 4-бандига кўра, агар фактик ҳолатлар суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган бўлса, бу ҳолат суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди. Чунки бу ИПКни 327-моддасининг 1-банди мазмунига зид бўлади. Суд ҳужжати қабул қилингандан кейин вужудга келган янги ҳолатлар ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш учун эмас, балки янги даъво билан мурожаат этиш учун асос бўлиши мумкин.

Аммо, суд амалиётида, ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган битим суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ҳукми билан ҳақиқий эмас деб топилиши, суд ҳужжатини ИПКнинг 327-моддаси 1-банди билан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос сифатида баҳоланмоқда⁶.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартибга солиш учун қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида” 25-сонли қарорининг 11-бандида суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган ҳолатлар ҳам суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади (ФПКнинг 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди). Агар судга мурожаат қилишнинг асоси мазкур иш

бўйича ноқонуний ёки асоссиз суд ҳужжатини қабул қилишга олиб келган битимнинг қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги бўлса, бу ҳолат бошқа иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ҳулоса ва (ёки) асослан-тирувчи қисмида низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ҳулоса мавжуд бўлганда, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўла олади⁷, деб тушунтириш берилган.

Юқоридаги асос янги (қайтадан) очилган ҳолат, яъни судни ишни кўриш жараёнида мавжуд бўлмаган ва фақат суд ҳужжати эълон қилингандан кейин пайдо бўлган ёки эътироф этилган ҳолатлар эмас, балки суд ҳужжати эълон қилинганидан кейин пайдо бўлган ёки эътироф этилган юридик факт бўлиб, янги (қайтадан) очилган ҳолат умумий тавсифига тўғри келмайди.

Шу сабабли, юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчиликка янги ва қайтадан очилган ҳолатлар тушунчаларини киритиб, уларни қуйидагича таърифлаш жоиз бўлар эди.

Қайтадан очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) – ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган, лекин объектив сабабларга кўра аризачи ва судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг суд ҳужжати чиқарилганига қадар вужудга келиши натижасида дастлабки чиқарилган қонуний кучга кирган суд ҳужжати қабул қилишга асос бўлган фактларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига олувчи ҳуқуқий далиллардир.

Янги очилган ҳолатлар (новые обстоятельства) — ишни кўриш вақтида мавжуд бўлмаган, лекин объектив сабабларга кўра аризачи ва судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг суд ҳужжати чиқарилганидан кейин вужудга келиши натижасида дастлабки чиқарилган қонуний кучга кирган суд ҳужжати қабул қилишга асос бўлган далилларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига олувчи ҳуқуқий далиллардир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қонунчиликка ИПКнинг 37-боби ва унинг нормаларини “қайтадан ёки янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш” деб ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: // (Дарслик). –Тошкент.: Адолат, 2007. – Б.428.
2. Морозова Л. С. Пересмотр решений по вновь открывшимся обстоятельствам. -М., 1959. – С. 27.
3. Зайцев И. М. Пересмотр по вновь открывшимся обстоятельствам решений, определений, постановлений, вступивших в законную силу // Советская юстиция, 1967. № 18. – С. 22.
4. https://sahifa.tj/russko_uzbekskij.aspx
5. Проект ПРООН. Аналитическая справка. Институт пересмотра судебных решений по вновь открывшимся обстоятельствам в Узбекистане. –Ташкент: 2013.
6. Суд амалиёти умуллаштириш материаллари тўплами (кўчирмалар). – Тошкент: «Niso Poligraf» нашриёти, 2015. – Б.400
7. <https://lex.uz/docs/4698294>



ЮРИДИК ФАОЛИЯТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ЮРИДИК СОҲАДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодиёти
ва дипломатия
университети ҳузурида-
ги ЮНЕСКОнинг “Халқаро
ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”
кафедраси мудири,
юримдик фанлар номзоди

Ҳуқуқий таълим ва фаолият ижтимоий характерга эга эканлиги боис рақамлаштирилиши мумкин бўлган соҳа ҳисобланади. Шу боис, “дигитал инсонийлик” (digital humanity) атамасини ҳуқуқий фаолиятга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ахборот технологиялари ҳуқуқ соҳасида олиб бориладиган илмий ва амалий тадқиқотлар учун самарали воситага айланиб бормоқда. Ҳуқуқий ҳужжатларни компьютер дастурлари асосида таҳлил қилиш, уларни архивлаштириш, тизимлаштириш, аналогияларини яратиш, қарор қабул қилиш жараёнини моделлаштириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳуқуқий хизмат соҳасида рақамлаштиришнинг “легалтех” (“legal tech”, “law tech”) ва бошқа шакллари учратишимиз мумкин.

Ҳуқуқий хизмат соҳасида рақамлаштиришнинг энг асосий вазифалари хизмат кўрсатувчи ҳуқуқшунос ва унинг мижози ўртасидаги вақт ва макон масофасини камайтириш, ҳуқуқий хизмат турларининг барчасини замонавий ахборот технологиялари воситасида осонлаштириш, маълумотлар базасини яратиш, сақлаш ва керакли манзилга автоматик узатиш, ўхшаш ва такрорланувчи вазифаларни бирхиллаштирилган ягона буйруқ файлига жойлаштириш, юридик маълумотларни жамлаш, тизимлаштириш, маълумотларни қидириш ишларини осонлаштириш ва тезлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд қарорларининг очиқ ресурслар базасини яратиш, юридик низолар ечимини моделлаштириш ва башорат қилишдан иборат.

АҚШда ҳуқуқшуносларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги кузатиб борилади. Зотан, замонавий ҳаётнинг ўзи янги авлод технологияларидан интенсив фойдаланиш талабини кун тартибига қўймоқда.

Бироқ, ҳуқуқий хизматга замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ҳуқуқшунослар учун ахборот-технологиялари, биринчи навбатда, маълумотлар базасини яратиш учун зарур бўлади. Йирик ҳуқуқий фирмаларда катта ҳажмдаги маълумотлар базаси, ўз навбатида, кибер хавфсизлик заруратини келтириб чиқаради ва фирмалар улардан ҳимояланиш учун ўз фаолиятини суғурталашга интилади. Мижозларга оид шахсий маълумотларнинг ёки йирик мижоз компанияларнинг бизнесга оид махфий ҳужжатларининг ўғирланиши, ошкор этилиши ёки йўқ қилиниши ҳуқуқий фирмаларга жуда қимматга тушиши мумкин.

Замонавий ахборот технологиялари юридик хизмат соҳасида масофавий хизматлар билан бир

қаторда “виртуал офислар” учун ҳам имкон яратмоқда. Мумтоз шаклдаги ишхоналар, конторалар, офислар тарихга айланиб бормоқда. Буларнинг барча оғирлиги бир килограммга бормаидиган енгил техник воситалар орқали амалга оширилмоқда. АҚШда расмий офисдан ташқарида масофавий ишлаётган юристларнинг 45 фоизи – мобил компьютер-ноутбуклардан, 31 фоизи – смартфонлардан, 11 фоизи эса – планшетлардан фойдаланади. Йирик юридик фирмаларда ахборот алоқа воситаларидан фойдаланиш даражаси анча юқоридир.

2018 йилда йирик (100 дан ортиқ ходим ишлайдиган) фирмалардаги ҳуқуқшуносларнинг – 95 фоизи, ўрта (10-49 киши ишлайдиган) фирмалардаги ҳуқуқшуносларнинг – 70 фоизи ҳуқуқни қўллаш амалиётида телекоммуникация воситаларидан фойдаланган. Офисдан ташқаридаги иш жараёни учун уй шароитида ишлаш аксарият ҳуқуқшунослар учун қулай деб топилган. Амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг 78 фоизи – ўз уйида, 38 фоизи – меҳмонхоналарда, 23 фоизи – иккинчи иш жойларида, 17 – фоизи шахсий оромгоҳларда, 15 фоизи – қаҳвахоналарда, 14 фоизи эса – омма учун очиқ жойларда турган ҳолда фаолият кўрсатишган.

Рақамлаштириш АҚШда юридик хизматдан фойдаланиш учун кенг имкониятларни тақдим этади, чунки АҚШда юридик хизматга эҳтиёж жуда юқори. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили ўртача 110 миллион нафар америкалик фуқаро ҳуқуқшунос маслаҳатчига мурожаат қилади, 58-60 миллион нафар фуқаро адвокат қидиради. Шу боис, мижознинг ўзига керакли ҳуқуқшуносни топа олиши маълум вақтни талаб этиши мумкин. Ушбу жараёни осонлаштириш мақсадида Мартиндэйл-Хаббелл компанияси томонидан ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқий фирмаларнинг онлайн каталоги яратилган (Martindale-Hubbell

Law Directory). Мазкур каталогда ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқий фирмалар, уларнинг хизмат турлари, нуфузи, хизмат нархи ва бошқа маълумотларни топиш мумкин. Шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2018 йилнинг ўзидаёқ мижозларнинг 76 фоизи ўзига мақбул адвокат топа олган. Онлайн қидирув эса қуйидаги тўрт босқичда амалга ошади: ўзи дучор бўлган ҳуқуқий муаммо ҳақида маълумот ёки суд амалиёти ишини тўплаш, соҳа бўйича мутахассис адвокат қидириш, топилган адвокатни тасдиқлаш ва уни ёллаш.

Адвокатларни излаб топишда мижоз турли қидирув дастурларидан фойдаланиш имкониятига эга. Тадқиқотларга кўра, мижозларнинг 39 фоизи – Google қидирув тизимидан, 34 фоизи – онлайн юридик форумлардан, 31 фоизи – онлайн каталоглардан, 31 фоизи – ҳуқуқий фирмаларнинг вебсайтларидан, 29 фоизи – ҳуқуқий блоглардан, 26 фоизи эса – ижтимоий медиа тармоқларидан фойдаланади.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида рақамлаштиришнинг амалга татбиқ этиладиган майдони жуда кенг. Уларни тизимлаштирган ҳолда янада аниқ хулосалар ҳосил қилишимиз мумкин.

Биринчидан, ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг рақамлаштириш лозим бўлган соҳаларидан дастлабкиси бу – ҳуқуқий муассасалардаги иш юритиш жараёнидир. Айниқса, йирик ҳуқуқий фирмаларда адвокатларни ишга ёллаш, ҳақ тўлаш, меҳнат шартномасини тузиш, иш тақсимлаш, ҳуқуқий фирмалар ва адвокатлар профилини яратиш, муассасанинг ички маълумотларини архивлаштириш каби юмушлар рақамлаштиришни талаб этади. Суд муассасаларида ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримларни жамлаш, тизимлаштириш, архивлаштиришда ҳам рақамлаштиришнинг аҳамияти юқори.

Иккинчидан, мижозлар билан ишлаш жараёнининг айрим жиҳатлари рақамлаштирилиши мумкин. Мижозларга онлайн маслаҳатлар бериш, мижозларнинг маълумотлар базасини яратиш, уларнинг ахборот қидириш имкониятларини осонлаштириш ва шу мақсадда, энг кўп учрайдиган ҳуқуқий ҳолатлар каталогини яратиш, уларга мувофиқ келувчи ўхшаш ечимларни тақдим этиш шулар жумласидандир. Албатта, хизмат кўрсатувчи ҳуқуқшунос ва унинг мижози ўртасида юзма-юз мулоқот инкор этилмайди, чунки ҳуқуқшунос мижознинг ишончини қозониши учун ўзининг касбий ва инсоний хусусиятларини унинг кўз ўнгига намоён этиши лозим. Рақамлаштирилган хизмат кўрсатиш юзма-юз мулоқот билан ёнма-ён давом этади ва вақтдан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Учинчидан, қарорлар қабул қилиш жараёнини моделлаштириш ва ҳуқуқий низолар ечимини башорат қилишда ҳам ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган дастурлардан фойдаланиш мумкин. Умумий ҳуқуқ (Common

Law) амал қиладиган мамлакатларда прецедентлар ҳуқуқи ҳуқуқий низоларнинг моддий асосларини моделлаштириш имконини беради. Маълумки, моддий асослари ўхшаш бўлган низолар учун ечимларни башорат қилиш қийин бўлмайди. Шу боис, йирик қийматдаги ҳуқуқий низоларнинг ечимини башорат қилиш низо томонлари ва уларнинг адвокатлари учун энг мақбул қарорлар қабул қилиш имконини беради, катта харажат ҳамда вақт йўқотишнинг олдини олади.

Тўртинчидан, рақамлаштирилган ҳуқуқий хизматлар онлайн ҳуқуқий форумлар, конференциялар, вебсайтлар, баҳслар ва бепул мулоқот хизмати орқали ҳуқуқий фирмаларнинг обрўини оширади. Шу билан бирга, ҳуқуқий савия ва саводхонликнинг юксалишига ҳисса қўшади.

Ҳозирги кунда ҳуқуқшунослар фаолиятининг самарадорлиги уларнинг ахборот технологияларидан қанчалик тез ва унумли фойдаланаётганига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бизнес ва иқтисодиёт соҳасида тадқиқотлар олиб боровчи МакКензи Глобал Институти (The McKinsey Global Institute) нинг ҳисоб-китобларига кўра, АҚШда ҳуқуқий хизматларнинг 23 фоизи компьютерлар ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда бажарилиши мумкин, яъни ҳуқуқшунос адвокат ишининг 23 фоизи ахборот-технологиялари орқали дастурланиши мумкин экан. Рақамлаштирилган ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдамнинг улуши эса 69 фоизга етади. Албатта, бу борада ҳуқуқий соҳани ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари билан таққослаш мумкин: тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қассоблик, қадқлаш, пакетлаш, қоғоз ишлаб чиқариш опера-

**Кишилар халифа Муовиянинг
олдида гапиришарди, Аҳнаф
ибн Қайс эса сукутда эди.**

**- “Сенга нима бўлди, эй Абу
Бакр, сен нега гапирма-
япсан? - дейишди.**

**Аҳнаф жавоб қилдилар: -
“Ёлгон гапиришга Аллоҳдан
кўрқаман. Рост гапиришга
эса сизлардан”.**

**Имом Абул-Фараж ибн
Жавзий, “Сифатус-софва,
607-бет.**

циялари – 95-100 фоизгача, маъмурий бошқарув ва иш юритиш (офис менежер) хизматлари – 90-95 фоизгача, нашриёт, бухгалтерия, аудиторлик хизматлари – 85-90 фоизгача, транспорт соҳаси хизматлари – 75-80 фоизгача, авиация ва темир йўл юк ташиш хизматлари – 70-75 фоизгача, тиббий ва меҳмонхона хизматлари – 55-60 фоизгача рақамлаштирилиши мумкин. Сунъий онг ёрдамида ҳуқуқий ҳужжатларни рақамлаштириш, маълумотлар базасини яратиш, керакли суд амалиёти ишларини туркумлаш ва ўхшаш ҳолатлар учун энг мақбул ечимлар тақдим этиш, судланувчиларнинг ҳуқуқбузарлик тарихини яратиш ҳам рақамлаштириш мумкин бўлган ҳолатлар сирасига киради.

Кўпгина мамлакатларда узлуксиз таълимнинг олий таълимдан кейинги кўриниши малака ошириш курслари шаклида амалга ошади. АҚШда юридик соҳа вакилларининг ҳар икки-уч йилда малака ошириб боришлари одат тусига кирган. Давомли ҳуқуқий таълим (Continuing legal education (CLE)) ёки мажбурий қисқа муддатли давомли ҳуқуқий таълим (Minimum continuing legal education (MCLE)) АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, эндигина адвокатлик лицензиясини қўлга киритган ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган малака ошириш таълимидир. Аксарият штатларда суд адвокатларининг ўз лицензияларини сақлаб қолиш учун доимий малака оширишлари мажбурийдир. Айрим штатларда, лекин жуда кам ҳолатларда, масалан, Колумбия Округида адвокатларнинг малака оширишлари фақат тавсия этилади, холос.

АҚШда малака оширишнинг умуммиллий дастури ва мезонлари мавжуд эмас. Адвокатлик фаолиятини тартибга солиш, жумладан, уларнинг малака ошириш талабларини ишлаб чиқиш ҳар бир штатнинг ўзига ҳавола қилинган. Аниқроғи, малака талаблари ва мезонларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш ваколати ҳар бир штатнинг Олий суди ва Давомли ҳуқуқий таълим (Continuing Legal Education) комиссияларига топширилган.

Шу билан бирга, малака ошириш курсларининг умуммиллий стандартларини ишлаб чиқиш, уларни ягона андозага келтириш, малака ошириш курсларини ўтаганлик ҳақидаги сертификатларни бирхиллаштириш каби ташаббуслар АВА ва Узлуксиз ҳуқуқий таълимни тартибга солувчилар уюшмаси (Continuing Legal Education Regulators Association (CLEreg)) томонидан илгари сурилган. Шу мақсадда, мазкур уюшмалар томонидан Малака оширишнинг масофавий таълим дастури глоссарийси, малака таълими дастурлари ва уларни бошқариш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Малака ошириш курслари ҳам кредит тизимига асосланади. Таълим иштирокчилари йилнинг белгиланган муддатларида тегишли курсларга қатнаб, соҳавий билимлар бўйича энг кичик кредитларни йиғиб бориши керак. Айни пайтда, касб этикаси, ҳолислик, касбий мажбу-

рият, базавий кўникмалар, адвокат-мижоз зиддиятлари каби махсус курслардан ҳам энг кичик кредитларни йиғиши талаб этилади.

Малака ошириш дарслари тажрибали адвокатлар томонидан олиб борилади. Тингловчилар назарий ва амалий билимларини кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Талаб этиладиган кредитларнинг маълум қисмини мустақил ўқиб ўрганиш орқали ҳам тўплаш мумкин. Кўпгина штатларда онлайн малака ошириш курслари орқали кредитлар йиғишга рухсат берилган ва бу амалиёт ҳозирги пайтда тобора оммалашиб бормоқда.

Муайян тажрибага эга адвокатлар малака ошириш таълими кредитларини тренинг курсларда, АВА томонидан аккредитация қилинган ҳуқуқ мактабларида маърузалар ўқиш, ҳуқуқ мактаблари талабаларини миллий ва халқаро микёсдаги мусобақаларга тайёрлаш, илмий нашрлар эълон қилиш орқали ҳам тўплаши мумкин.

Малака ошириш курслари йил давомида штатларнинг ҳуқуқшунослар уюшмаси (State Bar Associations), ҳуқуқшуносларнинг миллий уюшмаси (ABA), ҳуқуқ мактаблари, Ҳуқуқ амалиёти институти (Practising Law Institute), Америка ҳуқуқ институти (American Law Institute), Америка ва халқаро ҳуқуқ маркази (The Center for American and International Law) ва бошқа хусусий тижорат ва нотижорат уюшмалар ҳамда фирмалар томонидан тақдим этилади. Малака ошириш курслари барча ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгалари учун ҳам очик ва пулликдир. Охириги йилларда ёш адвокатлар учун уларни бепул ташкил этиш масаласи кўтарилмоқда. Кентукки штатида ҳар йили ҳуқуқшунослар учун икки кунлик бепул малака ошириш курслари ташкил этилади. Малака таълими кредитларини тўплаш учун шунинг ўзи кифоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда малака ошириш таълими билан, асосан, нодавлат ноҳукумат ташкилотлари шуғулланади. Америка юристлар уюшмаси (ABA)нинг Узлуксиз таълим кўмитаси 1986 йилдаёқ “Мажбурий узлуксиз юридик таълимнинг намунавий қоидалари” (The Model Rule for Minimum Continuing Legal Education)ни ишлаб чиққан. Улар орасида Узлуксиз ҳуқуқий таълим уюшмаси (The Association for Continuing Legal Education (ACLEA)) муҳим ўрин эгаллайди. 1964 йилда ташкил этилган мазкур уюшма халқаро мақомга эга бўлиб, унинг аъзоларини Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия, Мексика ва бир қатор Африка давлатларида учратиш мумкин. Жумладан, уюшма узлуксиз ҳуқуқий таълим соҳасида бутун дунё бўйлаб фаолият олиб боради. Узлуксиз ҳуқуқий таълимни тартибга солувчилар уюшмаси (Continuing Legal Education Regulators Association (CLEreg)) эса малака ошириш курсларини ташкил этиш ва дастурлаш соҳасида институтлараро ҳамкорликни амалга оширади.

АДМИНИСТРАТИВНЫЕ, УГОЛОВНЫЕ И СУДЕБНЫЕ МЕРЫ ПО ОГРАНИЧЕНИЮ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ПАНДЕМИИ В УЗБЕКИСТАНЕ



**Омон
МУХАМЕДЖАНОВ,**
профессор ТГЮУ

АННОТАЦИЯ

Автор рассматривает содержание административных, уголовных и судебных мер по ограничению распространения пандемии в сфере охраны здоровья, опыт Узбекистана по борьбе с распространением коронавирусной инфекции и минимизации ее негативных последствий для общества, дает оценку эффективности указанных мер, в том числе на основе сравнительного анализа. Проводится анализ нормативно-правовых актов, принятых главой государства, правительством и соответствующими ведомствами, направленных на борьбу с пандемией и ее последствиями.

Ключевые слова: пандемия, медицинское право, право на здоровье, постковидный период.

В марте прошлого года Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) объявила пандемию. COVID-19 затронул практически всю планету и продолжает оказывать влияние на жизнедеятельность не только государств, но и каждого человека в отдельности. Коронавирус вынудил правительства стран вводить все новые меры, которые позволили бы сдержать распространение опасного вируса. Поскольку на сегодняшний день еще нет доказанного эффективного лечения от этого вируса, то единственным оправданным способом предотвратить полномасштабную эпидемию являются меры, способствующие не допустить новых заражений или хотя бы минимизировать их вероятность. Все больше стран мира в рамках борьбы с распространением коронавируса ввели жесткие ограничительные меры и отправляют население на карантин, при этом вводя различные меры административного, уголовного и судебного характера.

Олий Мажлисом Республики Узбекистана был своевременно принят Закон “О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан и Кодекс об административной ответственности” 26 марта 2020 года¹ подписанный Президентом Узбекистана. Законом внесены изменения и дополнения, направленные на предупреждение распространения паники среди населения, обеспечение общественной безопасности, создание условий для нормальной жизнедеятельности и усиление ответственности. Так, в Уголовный кодекс Республики Узбекистан² включена ст. 244³ “Распространение не соответствующих действительности сведений о распространении карантинных и других опасных для человека инфекций”. Статьей 257¹ определена ответственность за нарушение санитарного законодательства или правил борьбы с эпидемиями, в том числе не-

выполнение без уважительных причин в условиях возникновения и распространения карантинных и других опасных для человека инфекций требований о прохождении медицинского обследования, лечении, прибытии в места, определенные для прохождения карантина и непокидании данных мест в установленный период, разглашение сведений о лицах, с которыми был контакт и местах посещения в период риска заражения заболеванием, а также других законных требований органов государственного санитарного надзора, направленных на защиту от реальной угрозы массового заболевания или отравления людей. С целью усиления уголовной ответственности в 3-й части статьи срок наказания в виде лишения свободы от 5 до 8 лет заменен на срок от 7 до 10 лет.

Поскольку в действующем Кодексе об административной ответственности Республики Узбекистан не были отражены правовые основы применения принудительных медицинских мер в отношении лица, нарушившего правила борьбы с эпидемиями, были определены правила применения этих мер в условиях возникновения и распространения карантинных и других опасных для человека инфекций (кодекс дополнен ст.29²). Теперь нахождение в общественных местах без маски в условиях распространения карантинных и других опасных для человека инфекций влечет наложение штрафа. Также нарушение обязательных правил, несоблюдение внутреннего распорядка лечебного учреждения и невыполнение без уважительных причин требований о прохождении медицинского обследования и лечении, прибытии в места, определенные для прохождения карантина и непокидании данных мест в установленный период, разглашение сведений о лицах, с которыми был контакт и местах посещения в период риска заражения заболеванием, а также других законных требований

органов государственного санитарного надзора установлена ответственность в виде штрафа.

Президиумом Верховного суда Республики Узбекистан 20 марта 2020 года было принято постановление, содержащее рекомендации и указания о порядке работы судов в условиях пандемии³. Постановлением определены категории дел, подлежащие рассмотрению в период пандемии: а) категории дел безотлагательного характера; б) дела, рассматриваемые в порядке приказного производства; в) дела о признании в установленном порядке недееспособным. К категории дел “безотлагательного характера” относятся следующие дела: а) об избрании, продлении, отмене или изменении меры пресечения; б) административный арест; в) некоторые дела об административных правонарушениях. Соблюдая эти рекомендации, административные суды Ташкентской области в период с 20 марта по 1 мая этого года рассмотрели свыше 914 дел в отношении 1 121 лица. Анализ рассмотренных дел показывает резкий рост количества дел об административных правонарушениях в условиях пандемии (нарушение санитарного и карантинного режимов гражданами, ограничений на въезд-выезд из населенных пунктов, передвижений между регионами и т. д.)⁴.

В соответствии с Законом “О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения”⁵ санитарная охрана территории Республики Узбекистан обеспечивается путем проведения санитарно-карантинного контроля и введения ограничительных мероприятий (карантина). Карантин – это административные, медико-санитарные и иные меры, направленные на предотвращение распространения инфекционных и паразитарных заболеваний, предусматривающие особый режим хозяйственной и другой деятельности, ограничение передвижения населения, транспортных средств, грузов и (или) товаров.

При этом документы, устанавливающие требования в области санитарно-эпидемиологического благополучия населения, являются обязательными для соблюдения государственными и иными органами, юридическими и физическими лицами. Поначалу часть населения высказывала сомнение в том, что в республике действует карантин и не воспринимали его как единую меру, состоящую в полном запрете

на передвижения или хозяйственную деятельность. Однако объявленный в республике карантин сопровождался широкой разъяснительной работой, активной пропагандой норм и требований санитарно-гигиенических правил. Помимо телевидения и иных СМИ были задействованы возможности махалли и других институтов гражданского общества.

Карантин определил четкие границы и перечень ограничений, вводимых или отменяемых исходя из эпидемиологического состояния. Общее руководство работой государственных органов в данной области велось правительством страны. В соответствии со ст. 6 Закона “О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения”, Кабинет Министров Республики Узбекистан обеспечивает реализацию единой государственной политики в области санитарно-эпидемиологического благополучия населения, а согласно ст. 11 Закона Республики Узбекистан “О Кабинете Министров Республики Узбекистан”⁶, к полномочиям правительства в социальной сфере относится реализация мер по развитию системы здравоохранения, повышению качества, эффективности и доступности медицинской помощи, сохранению и укреплению здоровья населения, внедрению принципов здорового образа жизни, а также обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия.

Согласно ст. 29² Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, принудительная мера медицинского характера в виде лечения или содержания в карантине может быть применена при наличии соответствующих медицинских оснований органами государственного санитарного надзора в отношении лица, совершившего в условиях возникновения и распространения карантинных и других опасных для человека инфекций правонарушение, связанное с нарушением правил борьбы с эпидемиями. Принудительная мера медицинского характера применяется вместе с назначением административного взыскания сроком до тридцати суток и исполняется в местах, определенных органами государственного санитарного надзора. Исполнение принудительной меры медицинского характера обеспечивается органами государственного санитарного надзора, внутренних дел и Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Невыполнение данных требований влечет за собой административную и уголовную ответственность (статьи 54 Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности и 257¹ Уголовного кодекса). Соответствующий порядок предусмотрен в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 марта 2020 года № 176 “О дополнительных мерах против распространения коронавирусной инфекции”. Кроме этого, Распоряжением Президента Республики Узбекистан (Р-5537 от 29.01.2020)⁷ установлена обязательность диагностики лиц, относительно которых



имеются подозрения о наличии коронавирусной инфекции или других острых респираторных заболеваний.

В соответствии с законодательством любое лицо вправе обратиться в установленном порядке в суд. Вместе с тем, необходимо отметить, что на основании постановления Президиума Верховного суда Республики Узбекистан в целях предотвращения распространения коронавирусной инфекции гражданам рекомендовано вносить документы в суд только в электронной форме или через почту. Кроме того, судам предписано рассматривать только неотложные дела (мера пресечения в виде заключения под стражу, продление, изменение или отмена срока содержания под стражей, помещение лица в медицинское учреждение, административный арест, принудительное помещение лица в психиатрическое учреждение, принудительное помещение лица в противотуберкулезное учреждение, дееспособности и признание недееспособным гражданина), а также дела, подлежащие разрешению в порядке приказного производства.

Ввиду исключительной ситуации и в целях сохранения жизни людей у государства иногда не остается иного выбора, кроме как принимать чрезвычайные меры. Всеобщий режим изоляции, вводимый для замедления распространения вируса, в определенной мере ограничивает свободу передвижения человека и использование им многих иных прав и свобод. Такие меры могут непреднамеренно повлиять на уровень правовой защищенности людей. Поэтому для смягчения таких непредвиденных последствий важна роль правозащитных институтов государства (суд, омбудсман, Национальный центр по правам человека, прокуратура и др.) а также гражданского общества, мониторинг и принятие ими оперативных мер по защите прав человека.

Любые чрезвычайные полномочия должны использоваться законно и только в интересах общественного здравоохранения. Например, такие меры ограничения, как социальное дистанцирование и самоизоляция, должны применяться с учетом интересов населения. Очень важно, чтобы ограничения свободы передвижения не препятствовали реализации прав человека, были обоснованными.

Мировая практика показывает, что иногда принимаются решения, прямо препятствующие реализации прав и свобод. Например, фактическое приостановление функционирования судов существенно помешало надлежащей реализации права на судебную защиту, тем более в чрезвычайных условиях.

Итак, никакие ограничения не могут быть основанием для вмешательства в жизнь человека, они должны быть соразмерными опасности, базироваться на принципах законности, пропорциональности и обоснованности.

Система мер по обеспечению прав человека в условиях пандемии, реализуемых в Узбекистане, включает:

- запуск круглосуточного канала обратной связи по вопросам борьбы с коронавирусом;
- непрерывная деятельность правозащитных институтов (суд, Омбудсмен, Национальный центр по правам человека, народные приемы и другие организации);
- налаживание системы по мониторингу и принятию индивидуальных мер поддержки наиболее уязвимых граждан (введение т.н. "железных тетрадей", содержащих сведения о каждом таком гражданине);
- обеспечение населения необходимыми лекарственными препаратами и медицинскими изделиями, осуществление медико-социального ухода за лицами преклонного возраста, лицами с инвалидностью, многодетными семьями и т.д.;
- обеспечение населения подробной и достоверной информацией о пандемии, а лиц, находящихся на лечении, - бесплатным WiFi и другими средствами связи;
- оказание юридической помощи населению, в т.ч. доступа к адвокатской помощи, обеспечение свободы передвижения адвокатов.

Таким образом, ограничения прав и свобод в условиях пандемии должны учитывать требование о соблюдении и уважении таких же прав и свобод других людей. Правовая система страны должна функционировать эффективно, ставя во главу угла не только обеспечение права на здоровье, но и иных прав и свобод человека. При этом любые ограничения допустимы только в той мере и формах, в каких они допускаются в Конституции и законах страны.

Принятые в Узбекистане нормативно-правовые акты и практические меры по их реализации свидетельствуют о том, что правительство и общество обратило серьезное внимание на проблемы охраны здоровья населения, а также на состояние здоровья уязвимых социальных групп, сделав акцент не на здоровье индивида, а на здоровье общества в целом.

Использованной литературы:

1. <https://lex.uz/ru/docs/4774974>
2. <https://lex.uz/ru/m/acts/111457>
3. См.: Постановление Пленума Верховного суда "О некоторых вопросах применения судами законодательства в условиях введения на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19)" // URL: <https://sud.uz/ru/rabota-administrativnih-sudov/>, дата обращения 12 апреля 2021 г.
4. См.: URL: <https://sud.uz/ru/rabota-administrativnih-sudov/>, дата обращения 12 апреля 2021 г.
5. См.: Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 34, ст. 451, 2019 г., № 2, ст. 47; Национальная база данных законодательства, 15.01.2021 г., № 03/21/666/0032
6. <https://lex.uz/docs/4636598>
7. <https://lex.uz/ru/docs/4720408>

**Ильин ВЯЧЕСЛАВ,**

старший преподаватель кафедры “Специально-правовых дисциплин” Таможенного института ГТК РУз

УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ АСПЕКТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОНТРАБАНДЕ: ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются уголовно-правовые нормы, предусматривающие уголовную ответственность за контрабанду. Рассмотрены правовые аспекты противодействия контрабанде, а также показан широкий разброс законодательной оценки степени общественной опасности контрабанды, видов и сроков наказаний за ее совершение законодательствами зарубежных стран.

Ключевые слова: контрабанда, наказание, уголовная ответственность, таможенное законодательство, предметы контрабанды, наркотические средства, другие преступления в таможенной сфере.

АННОТАЦИЯ

Мақолада контрабанда жинояти учун жавобгарлик белгиланган жиноий-хуқуқий нормалар таҳлил қилиниб, контрабандага қарши курашишнинг хуқуқий жиҳатлари, чет эл қонунчиликлари бўйича ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига хуқуқий баҳо бериш, тайинланадиган жазо турлари, муддатлари ва жавобгарликнинг бошқа масалалари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: контрабанда, жазо, жиноий жавобгарлик, божхона қонунчилиги, контрабанда ашёлари, гиёҳвандлик воситалари, божхона соҳа-сидаги бошқа жиноятлар.

ABSTRACT

